

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Д. М. МИРАЗОВ

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ
АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ 2016

Т а қ р и з ч и л а р:

ИИВ Тергов бош бошқармаси бошқарма бошлиғи **Я. А. Абдулҳақов**;
юримдик фанлар номзоди **Б. А. Раджабов**

М 53 Миразов Д. М.

Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 75 б.

Ушбу қўлланмада жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш асослари, процессуал тартиби, терговга қадар текширув даврида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг турлари, асослари ва ўтказиш тартиби ёритилган.

Юримдик олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, талабалар, тингловчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига мўлжалланган.

ББК 87.99 (5У)93я73

© Д.М Миразов, 2016

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз истиқлолига эришганидан сўнг мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов жиноят процессида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида, жумладан шундай дейди: «Шуни очиқ-ойдин тан олиш лозимки, бу соҳада эришилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон эски тизимнинг асоратлари сезилмоқда. Аниқроқ айтганда, суд фаолиятига оид қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар умумэътироф этилган халқаро демократик тамойилларга борган сари мослаштирилаётган бўлса-да, афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунё-қараши ва тафаккури анча қийинлик билан ўзгаряпти»¹. Бундай ҳолат дастлабки тергов соҳасида ҳам ўзининг асоратини кўрсатаётганлигини инкор этиб бўлмайди, уларни бартараф этиш учун курашни кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жиноят ишини кўзғатишдан аввал тергов ҳаракатларини ўтказиш жиноят процессининг муҳим институтларидан бири бўлиб, жиноят-процессуал қонунчиликка асосланади ва у билан тартибга солинади. Шу билан бирга, жиноий-процессуал фаолиятнинг ҳар қандай жабҳасида бўлгани каби, уни амалга оширишда ҳам қонун бузилишига йўл қўйилиши мумкин эмас. Чунки бу инсон тақдири билан боғлиқ масала.

Терговга қадар текширув жараёни жиноят процессининг етарли даражада тартибга солилмаган қисми бўлганлиги сабабли уни процессуал тартибга солиниши ва қўлланилиши амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилишга муҳтожлик мавжуд. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб яратилган ушбу қўлланмада жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш асослари, процессуал тартиби, терговга қадар текширув даврида ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг турлари, асослари ва ўтказиш тартиби ёритилган.

¹ Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 32–33.

1. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласи ҳал этилади. Ушбу босқичда жиноий қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов «жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлангандагина, у чинакам ҳуқуқий, фуқаролар жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши лозим. Бунинг учун эса энг аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда, ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак»¹, деб таъкидлайди.

Жиноят процессида терговга қадар текширув босқичининг қонунийлиги инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш билан узвий алоқадордир. Жиноят ишини қўзғатиш, инсон категорияси нуқтаи-назаридан, қанчалик адолатли кечса, ҳуқуқий давлат барқарорлиги ҳам шу қадар ривож топади. Бунга эришмоқ учун эса, жиноят жараёнида қонунийлик принципининг изчил таъминланиши талаб этилади².

Терговга қадар текширув серкиррали тушунча бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида жиноят ишини қўзғатиш, уни қўзғатишни рад этиш масалалари ҳал этилади³. Шунингдек, терговга қадар текширув тўпланган материаллар юзасидан жиноий қилмиш мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга йўналтирилган тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. У дастлаб жиноят-процессуал институт сифатида намоён бўлади, яъни жиноят иши қўзғатилиши ҳақидаги масаланинг ечилиши тартибини белгиловчи

¹ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Тинчлик ва хавфсизлик учун курашмоқ керак. – Т., 2002. – Б. 32–33.

² Қаранг: Ўразаев Ш.З. Қонун устунлигини таъминлаш – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2001. – № 3 (15). – Б. 82–85.

³ Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 156–157.

процессуал меъёрлар йиғиндисини ташкил қилади. Ҳуқуқий адабиётларда келтирилганидек, терговга қадар текширув босқичи жиноят процессининг мустақил институти ҳисобланади ва умумэътироф этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда унга ҳам жиноят процессининг барча хусусиятлари хос деган хулосага келиш мумкин. Ушбу босқичнинг ҳам ўзига хос мустақил процессуал вазифалари мавжуд. Маълумки, терговга қадар текширув босқичидаги процессуал фаолият Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)да белгилаб қўйилган мансабдор шахс (суриштирувчи, терговчи ва прокурор)лар томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур жараён белгиланган шароитларда ҳамда махсус процессуал шаклларда юритилади.

Жиноят процессининг ушбу босқичи келиб тушган ариза, хабар ёки шикоят бўйича тўпланган материаллар юзасидан кейинчалик амалга ошириладиган ҳаракатларнинг йўналишини белгиловчи аниқ процессуал қарор билан яқунланади. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масаланинг ечими дастлабки терговнинг умумий вазифаларини бажаришга хизмат қилади. Ўз навбатида, бу босқичда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари, яъни жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши ва унга нисбатан суднинг одилона ҳукми чиқарилиши учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва амалга оширилишини алоҳида таъкидлаш керак.

Шунингдек, дастлабки терговда терговга қадар текширув босқичи процессуал қарор қабул қилиш, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш, баъзи пайтларда эса жиноят ҳақидаги дастлабки материалларда келтирилган сабабнинг қонунийлиги ва жиноят ишини қўзғатиш учун асосларнинг етарлилигини аниқлаш мақсадида зарур ва етарли хабарлар билан тўлдирилиши каби аниқ процессуал вазифаларга эга.

Бу босқичда суриштирув ва тергов органлари, прокурор иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича ишни бошлаш учун қонунда белгилаган шартлар мавжудлигини текширади ҳамда жиноятнинг олдини олиш, содир этилишини тўхтатиш, шунингдек унинг изларини белгиланган процессуал шаклда сақлаш ва мустаҳкамлашнинг тезкор чораларини қабул қилади.

Терговга қадар текширув босқичининг моҳияти прокурор, терговчи ёки суриштирув органининг жиноят аломатлари (таркиби)ни аниқлаганда тегишли жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги процессуал қарорни қабул қилиши билан боғлиқ процессуал иш жараёнидан иборатдир.

Жиноят аломатлари етарли бўлмаганида ёки жиноят таркиби аниқланмаганда жиноят ишини қўзғатиш рад қилинади. Ушбу босқичнинг моҳияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тушган ариза ва хабарлар юзасидан тегишли процессуал қарорни қабул қилгунларига қадар, у бўйича кўриб чиқиладиган процессуал масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ фаолият бўлиб, буларга қуйидаги ҳал этиладиган масалалар тегишли:

- тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги хабар жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўладими;

- жиноят, унинг белгилари ҳақидаги хабарлардан олинган маълумотлар далилларга асосланганми;

- мазкур жиноят Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қайси моддасига тегишли;

- олинган маълумотлар далилларга асосланганми;

- жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш керакми;

- дастлабки текширув зарурати борми, бўлса қандай текширув ишлари (ҳаракатлари)ни ўтказиш керак;

- орган ёки мансабдор шахс жиноят ишини қўзғатиш масаласини ечиш ҳуқуқига эгами ёки уни терговга тегишлигига қараб юбориш керакми;

- жиноят ишини қўзғатишга қаршилик қиладиган ҳолатлар мавжудми;

- жиноят иши материалларида маъмурий, интизомий чоралар қўллаш билан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари йўқми;

- жиноят ишини қўзғатишда суриштирув ва дастлабки терговни ким олиб бориш керак;

- арз қилувчи ва хусусий айблов томонидан жиноят иши қўзғатиш илтимоси, шикояти берилганда, яраштириш учун судья томонидан қандай чоралар кўрилиши мумкин;

- жиноятнинг олдини олиш ва тўхтатиш, жиноят изларини мустаҳкамлаш ва сақлаш учун қандай чоралар кўрилиши керак.

Ушбу масалаларнинг кўрилиши муносабати билан, жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор чиқаришга қадар, қуйидаги бир қатор процессуал ҳужжатлар тузилиши керак, жумладан:

- арз қилувчи имзоси қўйилган, била туриб ёлфон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантириш мавжуд ариза (агар ариза оғзаки равишда олинса, тегишли баённома ҳам);

- айбига иқроп бўлиш ҳақидаги ариза баённомаси;
- муассаса, корхона ва ташкилотларга юбориладиган сўровномалар;
- дастлабки тергов мобайнида фуқаролардан олинадиган тушунтиришлар;

- дастлабки тергов мобайнида оператив-қидирув чораларини кўриш зарурати ҳақида терговчи ёки прокурорнинг суриштирув органига ҳамкорлик асосларида (ЖПК 347-модда) берган процессуал топшириғи;

- тегишли экспертизаларни тайинлаш тўғрисида қарор;

- материалларни терговга ва судга тегишлигига қараб юбориш тўғрисида қарор.

- жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси.

Шундай қилиб, терговга қадар текширув босқичида айрим жиноят-процессуал ҳаракатлар, қатор процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилади ва жиноят ҳақида арз қилган шахс (фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилот)лар дастлабки терговни амалга оширувчи терговчи, прокурор, ёки судья (суриштирув жараёнида суриштирув органларининг), шунингдек жамоатчилик вакиллари каби дастлабки терговнинг ва жиноят ишини юритишда иштирок этувчи процесс қатнашчиларининг вужудга келиши ҳам мазкур жиноят-процессуал муносабатлар жараёнида пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам дастлабки тергов жараёнида терговга қадар текширув босқичининг аҳамияти жуда муҳим бўлиб, қонуний асосларда кўзғатилган ҳар бир жиноят иши дастлабки терговнинг тўлиқлигини таъминлайди ҳамда дастлабки терговда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилади.

Дастлабки терговда қонуний ва аниқ фактлар асосида жиноят ишини кўзғатиш дастлабки терговнинг тўлиқлигини, жиноятларнинг фош этилиши ва айбланувчиларнинг аниқланишини ҳамда уларнинг тегишли жинойий жавобгарликка тортилиши, жиноят қилган шахсларнинг одил суд қилиниши ва жазоланишини тўлиқ таъминлайди.

Терговга қадар текширув босқичида жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги қарорни қабул қилгандан кейин, терговчи кўзғатилган ва юритувида бўлган жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва дастлабки терговнинг тўлиқлигини таъминлаш юзасидан айбланувчилар билан процессуал тартиб ва қоидалар доирасида уларни сўроқ қилиши, тинтув қилиши, олиб кўйиши ва бошқа тергов ҳаракатларини амалга ошириши мумкин бўлади.

Жиноят иши кўзғатилмасдан дастлабки тергов жараёни ҳам, суд муҳокамаси ҳам бўлиши мумкин эмас. Ундан ташқари, терговга қадар

текширув босқичида жиноятни тергов қилиш, баъзида эса муҳим процессуал аҳамиятга эга терговга тегишлилик шахсий белгиси ҳам алоҳида ўринга эга.

Шунингдек, дастлабки терговда жиноят ишини қўзғатиш муҳим жиноят-процессуал аҳамиятга эга бўлиб, жиноят ишини тергов қилишда, у бўйича то дастлабки тергов тамомланиб айблов хулосаси чиқарилгунигача қадар, қонунийлик нуқтаи назаридан жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарордан аҳамиятли бўлган бошқа процессуал ҳужжат йўқ.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги процессуал ҳужжатнинг ўзи қандай жиноят содир этилган ва тергов қилиниши лозимлигини белгилайди ва терговнинг дастлабки босқичларида ишга йўналиш беради ҳамда шу вақтнинг ўзида қўзғатилган жиноят ишининг терговга тегишлигини аниқлайди.

Жиноят ишини қўзғатиш ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор дастлабки терговда суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи орган (бу ерда суриштирув органининг мансабдор шахси назарда тутилади) томонидан қабул қилинади ҳамда аҳолида жиноятчилик билан курашиш ҳақида ушбу органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш юзасидан тегишлича тасаввурлар пайдо бўлиши улар амалга ошираётган жиноят ишларининг сифатига боғлиқ бўлади.

Асосланган ва қонуний асосларда жиноят ишини қўзғатиш жиноятчилик билан самарали курашишга ёрдам беради, давлат манфаатларини жиноий тажовуздан (шунингдек, фуқаролар, ташкилотлар, уюшмаларнинг қонуний манфаатларини) ҳимоя қиладиган жиддий восита ролини ҳам бажаради.

Жиноят ҳақидаги аризага (хабарга) кўра, ўз вақтида қабул қилинган қарор жиноят ишини қўзғатиш масаласи қонуний асосларда ҳал этилишига томон қўйилган муҳим процессуал талаблардан биридир. Ушбу талабга риоя қилиш жиноят ишини тергов қилишнинг самарадорлигини оширади ва суд муҳокамаси жараёнида айбланаётган шахснинг айбини одил ва адолатли кўриб чиқилишига кафолат беради. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида (ҳар битта жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарорда) қонунийлик талабларига риоя этилиши ушбу қарорнинг асосли, қонуний ва процессуал жиҳатдан тўғрилигини таъминлайди.

Жиноят ишини қўзғатишда йўл қўйилган ҳар бир хато фуқароларни асоссиз равишда ҳибсга олиш, айби йўқ фуқарони жиноий

жавобгарликка тортилишига ҳамда жиноят содир этган шахснинг жавобгарликсиз ва жазосиз қолишига олиб келади (шунингдек, бу ҳолатларда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита ғайриқонуний равишда поймол этилади). Қолаверса, процессуал жиҳатдан дастлабки терговнинг ноқонунийлигига сабаб бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида ана шундай қонунсизлик фактлари жамият учун икки ҳисса хавфлидир: улар муайян шахсга бевосита зўрлик йўли билан ёки унга қонун бўйича талаб этилган ёрдамни кўрсатмаслик йўли билан зарар етказишдан ташқари, фуқароларда ҳуқуқий нигилизм, танланган демократия йўли, ҳуқуқий давлат қадриятларига нисбатан бепарволик кайфиятини туғдиради. Бундай қилмишлар давлатда қонунийлик тизимига нисбатан ҳам салбий таъсир кўрсатади. Одамлар қонун кучига, ҳокимиятнинг ваколатлилигига, ниҳоят, ўзининг жинойий тажовузлардан ҳимоя қилинишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши фақат қоғозда эмас, балки амалда борлигига ишонмай кўядилар. Ҳатто жиноятчига нисбатан ҳам ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши – бу нафақат унинг ҳуқуқларини, айти пайтда қонун билан идора қилинадиган давлатда ҳар бир фуқаронинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини поймол қилишдир¹.

Профессор У. Таджихоновнинг фикрича, қонунийлик «барча ҳолатларда ҳам ҳуқуққа асосланган собитқадамликдир. Шу сабабли ҳам қадимгилар қонунсизликдан кўра, ёмон бўлса ҳам, қонунларнинг мавжуд бўлгани афзал, деб каромат қилганлар.... Қонунсизлик эса бирор-бир тартиб билан мезонланмаганидан уни ҳеч қачон муайян бир доирага киритиб бўлмайди. Шу боис у чегара билмайди. У доимо одамлар ҳаёти, мулки, уларнинг маънавияти учун хатарли ҳодисадир»².

Шу ўринда, Ислом Каримовнинг алоҳида таъкидлаганидек, «...халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди»³. Бу эса терговга қадар текширув босқичида қонунийликни таъминлаш нуқтаи назаридан келтириб ўтилган фикрларнинг ёрқин намунаси.

¹ Қаранг: *Сатторов А.* Ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш муаммолари // *Ҳуқуқ – Право – Law.* – 2000. – № 2 (10). – Б. 57–59.

² *Таджиханов У.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. – Т., 1996. – Б. 179.

³ *Каримов И.* Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин // *Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.* – Т., 1998. – Б. 52.

Чунончи, дастлабки тергов даврида жиноят ишини қўзғатишнинг муҳим принциплари қонунийлик ва асосланганликдир. Ушбу босқичда аниқланадиган ҳолатлар дастлабки терговда жиноят ишини қўзғатиш ёки жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қабул қилинган аниқ процессуал тартиб ва қоидалар доирасида расмийлаштирилган қарорда мавжуд маълумотларга мувофиқ ва асосланган бўлиши лозим.

Терговга қадар текширув жараёнида жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида терговчи томонидан қабул қилинган процессуал қарорнинг асосланганлиги тушунчасининг моҳияти қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1) уни чиқариш учун зарур ҳолатларни тўла ва етарли даражада белгилаш;

2) мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги ёрдамида тегишли ҳолатларни белгилаш (ҳал этиш). Мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги уларнинг қонунда кўрсатилган манбалардан олиниши, уларни йиғиш ва қайд этишда процессуал тартибга, далиллар мустаҳкамланишига риоя қилиниши билан кафолатланади;

3) процессуал қарор ва ундаги хулосалар мавжуд аниқ маълумотлардан келиб чиқишини белгилаш.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида чиқарилган процессуал қарор юқоридаги маълумотларга мувофиқ бўлсагина қонуний ва асосланган ҳисобланади. Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масаланинг қонуний ва асосланган ечимигина, жиноят процессининг ушбу босқичи бажарадиган процессуал масалалар ва вазифалари ечимини таъминлайди.

Шу ўринда, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш амалиётига мурожаат этсак, ушбу талаб назарий-ҳуқуқий амалиётга ўтади. Буни ҳисобга олиш керак, чунки бу жиноят жараёнидаги шахсларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқ.

Терговга қадар текширув босқичида қонунийликни таъминлаш масалаларининг яна бир муҳим жиҳати, амалиётда жиноят ишларини дастлабки терговнинг тегишли субъектлари томонидан қўзғатилишидир.

Давлат жиноят иши қўзғатиш ваколатини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)да келтирилган тегишли ваколатга эга бўлган маълум расмий органлар ва мансабдор шахсларнинг тор доирасига топширади, яъни қонуний сабаб ва етарли асос бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш мажбурияти ва процессуал ваколати суриштирув органи (бу ерда суриштирув идораси-

нинг мансабдор шахси назарда тутилади), терговчи, прокурор зиммасига юкланади. Процессуал қонун томонидан кўзда тутилган ҳолларда муайян органларга жинойт иши қўзғатиш ҳуқуқий мажбуриятининг юкланиши жинойт ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги принципнинг яққол кўриниши ҳисобланади. Бу принцип давлат, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини жинойт тажовуздан самарали ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Муайян давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ариза ва жинойт ҳақидаги хабарларига оид тегишли қонуний асосланган қарорни қабул қилиш мажбурияти ички ишончга кўра, процессуал қарор қабул қилувчи шахсларнинг қонун томонидан белгилаб қўйилган процессуал мустақиллиги билан узвий боғлиқ. Ушбу ишонч эса жинойт ишини қўзғатиш масаласини ҳал этиш юзасидан тўпланган дастлабки материалларда мавжуд фактик маълумотларни ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив равишда (қонуний асосларда) кўриб чиқишидадир.

Жинойт ишини қўзғатиш тўғрисидаги масаланинг ечими бўйича тегишли идора процессуал ваколатларининг ҳажми ҳар бир бундай ваколатга эга бўлган идора олдида турган вазифа ва масалалар характерига боғлиқ бўлади.

Жинойт-процессуал қонун нормаларига мувофиқ, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурор жинойт ишларини, аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан терговга тегишлилик масаласини ҳал қилмай туриб, жинойт тўғрисидаги ҳар бир ариза ва жинойт ҳақидаги хабар бўйича қўзғатиш ҳуқуқига эга (ЖПК 382-модда).

Жинойт ишини қўзғатиш бўйича прокурорнинг процессуал ваколатлари, унинг мажбуриятларини амалга ошириши жараёнида қонунларнинг аниқ бажарилиши, фуқораларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши каби тизимларни назорат қилишидан келиб чиқади.

Жинойт-процессуал қонунида жинойт ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга асосий мансабдор шахслардан бири терговчидир. Жинойт ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати органларининг терговчилари зиммасига юклатилган (ЖПК 344-модда). Юқорида келтирилган қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига мансублигидан қатъи назар, барча терговчилар ўз процессуал фаолиятларида тенг ва бир хил даражага, жумладан жинойт ишини қўзғатишда ҳам процессуал мус-

тақилликка эгадирлар. Жиноят-процессуал қонунда келтирилганидек, уларнинг процессуал ваколатларидаги фарқи изчиллик ҳақидаги қонун меъёрлари билан белгиланади. Жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган идораларнинг мақсадлари бирлигидан келиб чиқиб, ҳар бир терговчи жиноят ҳақидаги ариза, хабарни қабул қилишга ва терговга тегишлигига қарамай жиноятнинг олдини олиш ёки уни тўхта-тиш ҳамда тегишли жиноят изларини мустаҳкамлашга мажбурдир.

Айрим ҳолларда, яъни суриштирув идораларининг жойлашган жойи, улар томонидан кўрилаётган масофага боғлиқ ишнинг махсус шароитини ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни ҳисобга олиб, аниқ фактлар бўйича суриштирув идоралари ҳам жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиши мумкин, чунки қонунда суриш-тирув идораларининг мазкур ваколоти мустаҳкамланган (ЖПК 321, 328-моддалар).

Жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ечиш ваколат-ларига эга идораларнинг аниқ процессуал ваколатлари фарқига кўра, қонун келиб тушган ариза ёки жиноят ҳақидаги хабар бўйича қуйида-ги қарорлардан бирини қабул қилиниши лозимлигини белгилайди (Ўз. Р. ЖПК 330-модда), жумладан:

- 1) жиноят ишини кўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлигига қараб юбориш ҳақида.

Ҳозирда амалиётда ички ишлар органлари тергов идоралари ходим-ларининг касбий ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онгини ошириш борасидаги камчиликлар сақланиб қолаётганлиги, улар ишида қону-нийлик, айниқса, дастлабки терговда терговга қадар текширув бос-қичининг қонунийлик аҳволига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, жиноят ишларининг юритуви жараёнида қонуний-ликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳуқуқий дав-латнинг зарурий шarti ва воситаси бўлиб хизмат қилади. Қонуний-лик мустаҳкам ўрин эгаллаган ҳамда ўрнатилган ҳуқуқ-тартибот қонунийлик талабларига мос келгандагина давлат ҳуқуқий бўлиши мумкин. Демак, давлатчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг асосини қону-нийлик ташкил қилади ва бизнинг вазифамиз бу қонунийликка ҳаёти-мизнинг барча жабҳаларида риоя қилиш ва унинг асосларини янада мустаҳкамлашдир¹.

¹ Қаранг: *Махмудов А.А.* Қонунийлик – демократик давлатчилик пойдевори // *Ҳуқуқ – Право – Law.* – 1999. – № 2 (6) – Б.60–62.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, терговга қадар текширув институти жинойтларни тергов қилишнинг алоҳида процессуал ҳаракатлари турига киритилиши лозим. Чунки у дастлабки босқич бўлиб, ўз ичига терговолди текширувларни ўтказишдек жуда мураккаб ва масъулиятли вазифаларни олади. Бу эса алоҳида ишлаб чиқариш бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тергов ва нотергов процессуал фаолиятлари ўзаро бир-бири билан тутшиб кетган. Шунинг учун юритувдаги жинойт ишларининг тақдири ўз моҳиятига кўра бошқа процессуал ҳаракатларга нисбатан мазкур терговга қадар текширув босқичига кўпроқ боғлиқ ҳамда терговга қадар текширув босқичи дастлабки терговда амалга ошириладиган бошқа процессуал ҳаракатлардан юқоридаги хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади.

2. ЖИНОЯТ ҲАҚИДАГИ АРИЗА ЁКИ ХАБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ, ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИНИНГ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Содир этилган жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарлар ички ишлар идораларнинг навбатчи қисмига асосан жабрланувчи ёки гувоҳларнинг алоқа воситалари орқали берган хабарлари, бевосита жабрланувчининг ариза билан мурожаат қилиши ёки қўриқлаш сигнализация воситаларининг ишлаб кетиши натижасида келиб тушади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 324-моддасига мувофиқ, шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза қонунда белгиланган талабларга ва реквизитларга эга бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 1993 йил 5 январдаги «Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, қайд этиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 6-сонли буйруғига мувофиқ, жиноят тўғрисидаги ариза (хабар) телефон орқали келиб тушган бўлса, ички ишлар идоралари тезкор навбатчиси томонидан ариза, (хабар) ҳодисалар тўғрисидаги бошқа хабарларни қайд этиш журнали (2-шакл)да, ёзма аризалар эса жиноятларни ҳисобга олиш китоби (1-шакл)да қайд этилиши, сўнгра ариза-чига навбатчи томонидан хабарнома-қоғоз берилиши керак. Сўнгра навбатчи зудлик билан шаҳар, туман ИИБ раҳбариятига ахборот бериб, жиноят изларининг сақлашни таъминлаш учун воқеа жойини қўриқлаш ҳамда гувоҳ ва воқеа шоҳидларини аниқлаш мақсадида ҳудудий профилактика инспекторини ҳодиса жойига юборади ва тезкор-тергов гуруҳи (бундан кейинги ўринларда ТТГ)ни ҳодиса жойига тўлиқ таркибда ва экипировка билан чиқишини таъминлайди.

Ариза ёки хабарни бошқа ҳудудда содир этилганлиги, жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун асослар етарли эмаслиги, бошқа давлат муассасасига мурожаат қилиши кераклиги каби вазлар билан қабул қилишни рад этиш қатъиян тақиқланади. Шунингдек, жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни ички ишлар органлари (бундан кейинги ўринларда ИИО)нинг котибиятларида юритиладиган мурожаатларни қайд этиш журналига рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас.

ТТГ таркибига терговчи, жиноят-қидирув ходими, эксперт-криминалист (зарур ҳолларда бошқа мутахассислар) ва хизмат ити билан кинолог киради. Кинолог ёрдамида жиноятни тергов қилиш учун

муҳим ҳолатларни аниқлаш, жиноятчиларни «иссиқ излар» бўйича ушлаш ҳаракатлари амалга оширилиши мумкин.

ТТГ раҳбари – терговчи тезкор навбатчидан содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарни олганидан сўнг, ТТГ таркибига «йиғин» эълон қилиб, тезкор навбатчи билан бирга уларнинг тайёргарлигини, тўлиқлигини текширади, уларга содир этилган жиноят бўйича маълумотларни етказди, тезкор навбатчидан ариза (хабар)ларни қайд этиш журнали (2-шакл) ёки китоби (1-шакл)даги қайд рақамини олиб, ҳодиса жойига чиқишни ташкил қилади. Ҳодиса жойида профилактика инспектори холисларни жалб этиш масаласини ҳал этади.

Терговчи ҳодиса жойига келиб, содир этилган жиноят ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўрганади, ТТГ аъзолари: тезкор ходим, профилактика инспектори, ЭКБ мутахассиси ва инспектор-кинологнинг вазифаларни белгилайди.

Ўғрилиқ жиноятини фош этиш бўйича дастлабки чоралар тизимида навбатчи ТТГ томонидан воқеа жойида амалга ошириладиган ишлар катта аҳамият касб этади. ТТГнинг ҳодиса содир бўлган жойидаги ҳаракатлари, биринчи навбатда, иш бўйича жиноят белгилари ва излари, жиноятчи шахсларнинг ўзига хос белгиларини, гувоҳлар ва далилий ашёларни аниқлашга йўналтирилган тергов-тезкор чоралар мажмуасини ўзида акс эттириши лозим. ТТГнинг ҳар бир аъзоси жиноят содир этилган жойида амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатларини аниқ билиши муҳим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш фаолиятини қидирув итини қўллашдан бошлаш зарур, чунки бу усул жиноятчиларнинг ҳодиса содир бўлган жойдан қайси томонга яширинганлигини аниқлаш имконини беради.

ТТГнинг ҳодиса содир бўлган жойида хизмат итларидан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ кинология хизматининг хизмат фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги қўлланмани тасдиқлаш ҳақида»ги 2002 йил 11 апрель буйруғи талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Дастлабки тергов ҳаракатларида иштирок этаётган инспектор-кинолог қуйидагиларни бажаради:

- 1) қидирув итидан фойдаланган ҳолда, жиноятни очишга имкон берадиган турли излар ва нарсалар (бошланғич нуқталар)ни излайди;
- 2) қидирув ити билан бирга жиноятчини излари босилмасдан таъқиб қилинишида иштирок этади;
- 3) шахслар ва нарсаларни «таниб олиш»да хизмат итидан фойдаланади;

4) ҳид манбалари бўлган нарсаларни зич қилиб ўрайди;

5) жиноятчилар яшириниши ва ўғирланган нарсалар яширилиши мумкин бўлган жойлар – биноларнинг ертўлалари, чордоқлари, қулфланмаган омборхоналар ва саройларни текширишда хизмат ити билан қатнашади;

6) ТТГ иштирокчиларига аниқ ифодаланган алоҳида белгиларга эга пойафзалнинг излари, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган нарсалар топилгани ҳақида хабар беради;

7) қидирув ити қўллангани тўғрисида далолатнома тузади.

Тезкор ходим қидирув итининг ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб кинолог билан бирга бориши лозим, чунки йўл бўйлаб жиноятчига тегишли буюм ва нарсаларни ҳамда яширилган мулкни топиш эҳтимоли юқори бўлади. Ушбу тадбир тугагач, жиноятчилар кетиши мумкин бўлган йўналиш ҳақидаги тусмол батафсил ўрганилиши лозим. Ана шу мақсадда мазкур ҳудуддаги фуқаролардан сўраб-суриштириш мақсадга мувофиқдир. Баъзида деразалари қидирув ити ҳаракатланаётган томонга қараган хонадонларда яшовчи шахслардан сўраб-суриштириш керак. Ушбу чоралар жиноятчининг ташқи қиёфаси, сони, яширинган транспорт воситасининг тури ҳамда жиноятнинг очилиши учун муҳим бўлган бошқа ҳолларни аниқлашга ёрдам беради.

ТТГ таркибида тезкор-қидирув ходимининг ҳаракатлари. Тезкор ходимнинг ҳодиса содир бўлган жойдаги фаолияти содир бўлган воқеанинг барча ҳолатларини энг майда тафсилотларигача аниқлашга; жабрланувчи, шоҳидлар ҳамда терговни қизиқтирувчи маълумотларга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа шахсларни топишга; ўғирланган мулкнинг, жиноятчиларнинг алоҳида белгиларини синчковлик билан аниқлашга; далилий аҳамиятга эга бўлган излар, нарсалар ва бошқа объектларни топишга қаратилмоғи лозим.

Тезкор ходимнинг ҳаракатлари аниқ мақсадга қаратилган ва ҳужумкор бўлиши керак. Шу билан бирга, у имкони борича содир этилган жиноят билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш мақсадида жиноятчилар ҳамда ўғирланган нарсаларни топиш учун дастлабки маълумотларни тўплаши, далилий аҳамиятига эга маълумотларни аниқлашга ҳаракат қилиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойда қуйидаги чора-тадбирларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш ниҳоятда муҳим:

– жабрланувчилар ва бошқа шахслардан жиноятнинг барча ҳолатлари, ўғирланган нарсалар ва жиноятчиларнинг алоҳида белгилари ҳақида батафсил сўраб-суриштириш;

– жиноятчилар яшириниши ёки ўғирланган нарса яширилиши мумкин бўлган жойларни текшириш;

– содир этилган жиноят ва жиноятчилар, уларнинг ҳодиса жойидан қайси томонга кетгани тўғрисида бирон маълумот бериши мумкин бўлган шоҳидлар ва бошқа шахсларни аниқлаш, жиноятчиларни «иссиқ изи»дан қидириш ва ушлаш чораларини кўриш;

– жиноят изларини аниқлаш бўйича чоралар кўриш;

– жиноят содир этилган пайтдан у аниқлангунига қадар кўп вақт ўтмаган ва жиноятчи узоққа кетмаган деб ҳисоблаш учун асослар бўлган ҳолларда жиноятчиларни (зарурат туғилганида) таъқиб этиш ва уларнинг қочиш йўллари тўсиш;

– ички ишлар органи навбатчиси орқали ҳодиса ва қидирилаётган шахсларнинг ҳамда ўғирланган нарсаларнинг аломатлари тўғрисида милиция таянч пунктлари ва патруль-пост хизматлари, йўл-патруль хизмати ходимлари, транспортдаги ички ишлар, қўшни ички ишлар органларига батафсил хабар (ориентировка) бериш;

– терговчига тезкор-қидирув чоралари натижасида қўлга киритилган иш учун аҳамиятли маълумотларни бериш.

Содир этилган жиноят ишларини очиш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари орасида жиноятнинг содир этилиши ҳолатлари, уларга алоқадор шахслар ҳақидаги маълумотларни аниқлашга қаратилган ахборотларни бериши мумкин бўлган жабрланувчи ва гувоҳлардан сўраб-суриштириш алоҳида ўрин тутади. Уни ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кўпинча ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш вақтининг соатлаб чўзилиши мумкин. Бу тадбирнинг зудлик билан ўтказилиши жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, уларни «иссиқ изи»дан таъқиб этиш ва ушлашга, ўғирланган нарсаларнинг алоҳида белгиларини аниқлашга ва уларни сотиш жойларида текширув ўтказишга имкон беради, ҳодиса тафсилотлари жабрланувчининг эсидан чиқиб кетишининг олдини олади.

Тезкор ходим юз берган жиноят ҳолатлари ҳамда жабрланувчи билан сўров ўтказиш пайтида жиноятнинг очилиши учун сўралаётган шахсдан иложи борича кенг доирадаги саволларга тўлиқ жавоб олиши лозим. Жабрланувчи билан сўров ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланиши зарур:

– хонадонда содир этилган жиноятни ким ва қачон, қандай ҳолатда аниқлаган;

– жабрланувчининг тахминига кўра жиноят қайси вақтда ва қандай ҳолатда юз берган;

– тергов-тезкор гуруҳи етиб келишидан аввал ҳодиса содир бўлган жойга бирон ўзгариш киритилганми, агар киритилган бўлса, қандай ўзгаришлар, ким томонидан ва қандай мақсадда киритилган;

– нима ва қанча миқдорда олиб кетилган, уларнинг алоҳида белгилари, ўзига хослиги ва умумий нархи қанча;

– олиб кетилган нарсалар ичида алоҳида рақамли буюмлар (DVD, телевизор, фотоаппарат, компьютер, соат, уяли телефон ва бошқалар) бўлганми, бўлган тақдирда уларнинг русуми, типи, завод рақами қандай; уларнинг техник паспортлари, фабрика ёрлиқлари, этикеткалари, касса чеклари ёки ўғирланган буюмга ўхшаш намуналар борми;

– пул ва хорижий валюта ўғирланган тақдирда пулнинг умумий миқдори, купюралар сони, қиймати; алоҳида купюраларнинг бирор ўзига хос аломати (бузилишлар, доғлар, ёзувлар ва белгилар) бўлганми;

– қимматбаҳо нарсалар қаерда сақланган: барчанинг кўз ўнгидами ёки бегоналар олмаслиги учун бирон яширин жойдами, агар яширин жойда бўлса, қаерда яширилган;

– ким буни аниқ билган ва ундан фойдалана олган;

– нарсалар сақланган жойда уларни охириги мартда ким, қачон ва қандай ҳолатда кўрган;

– жинойтчи ўз ҳаракатлари билан қимматбаҳо нарсаларнинг сақланиш жойига қандай ўзгартишлар киритган;

– мулк жабрланувчиникими ёки ўзга шахс, муассаса, ташкилотга тегишлими;

– жабрланувчининг моддий аҳволи жинойт натижасида унга етказилган зарарнинг умумий миқдорига мос келадими;

– нарсалар топилса, жабрланувчи уларни таний оладими;

– квартира (хонадон)да истиқомат қилувчиларнинг кун тартиби қандай бўлган;

– жинойт содир этилишидан аввал уй-жой очиқ қолдирилганми ёки қулфланган ҳолда бўлганми;

– агар қулфланган ҳолда бўлса, кириш эшигининг калитлари кимда, қаерда сақланган ва калитларнинг қаерда туришини кимлар билган;

– жабрланувчининг яқин танишларидан кимлар унинг уйига серкатнов бўлган ёки унинг кун тартиби, қимматбаҳо нарсаларининг борлиги ва уларнинг қаерда сақланишига қизиққан ёки тергов жараёнига ортиқча қизиқиш билдирипти;

– жинойт содир этилиши арафасида жабрланувчининг уйига бирон ваз билан бегона шахслар келганми, агар келган бўлса, улар кимлар ва ўзларини ким деб таништирган, нима иш қилган, уларнинг ҳаракати-

да шубҳали жиҳат бўлганми; уларнинг ташқи қиёфасида қандай алоҳида белгилар бор эди;

– жабрланувчи ёки унинг оила аъзолари ким биландир низолашганми, низолашган бўлса, нима сабабдан;

– жабрланувчи содир этилган жиноятда бирон кимдан гумон қиляптими, шундай бўлса, гумонлари нимага асосланади; гумон қилмаётган бўлса, унинг қарашлари ва кўрсатмаларини ўзгартириш мақсадида унга бирор кимса таъсир кўрсатмаганми;

– жабрланувчининг фикрича, қайси ҳолатлар жиноят содир этилишига олиб келди ёки буни осонлаштирди ва бундай қулай шароитлардан ким хабардор бўлиши мумкин эди.

Жиноятнинг аниқ ҳолатларини ўрганиш жабрланувчи билан сўров ўтказиш пайтига келиб юзага келган вазиятдан, шунингдек айбдорларда жинойий қасд юзага келишида жабрланувчининг роли (виктим хулқи)дан, жабрланувчининг қарашлари ва хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб аниқланиши лозим бўлган масалалар рўйхати ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин.

Жабрланувчи билан сўров ўтказиш жараёнида алоҳида эътибор ўғирланган мулкнинг алоҳида белгиларига қаратилади, чунки бу ўғирланган мулкни топишга қаратилган тезкор-қидирув чоралари мажмуини зудлик билан ташкил қилиш ва амалга ошириши учун зарур. Зеро, жиноятчилар бундай мулкдан қутулиш учун жиноят содир этилиши биланоқ ёки дастлабки бир неча кун ичида уларни ўзгаларга ўтказиб юборишади.

Энг муҳим дастлабки тезкор-қидирув чораларидан бири жиноят содир этилган жой ва теварак атрофни алоҳида ўрганиб чиқиш ҳамда жиноят содир этилган подъезд, кўшни подъездларда ва яқин атрофдаги уйларда яшовчи ҳамда жиноят гувоҳлари бўлиши мумкин бўлган фуқаролар ўртасида сўров ўтказишдир. Бу тоифага жиноят фактини биринчи бўлиб аниқлаган жабрланувчининг оила аъзолари, ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган фуқаролар ва ички ишлар ходимлари одатда жиноят содир этилган уйнинг олдида ишлайдиган ёки вақтини ўтказадиган шахслар (ҳовли фаррошлари, уй яқинидаги дўкончаларнинг сотувчилари ва бошқалар) ҳам киради.

Жиноятчи(лар)ни кўрган ёки улар кўрган шахс хонадон ўғирлигини содир этган бўлиши мумкин деб гумон қилган шоҳидлардан сўров ўтказишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

– улар қачон, қаерда, қандай ҳолатда нимани ва кимни кўрган ҳамда нима учун ушбу жиноятни айнан шу шахс(лар) содир этган деб ҳисоблайдилар;

– тахмин қилинган жиноятчилар сони;
– уларнинг ҳар бирининг роли ва ҳаракатлари нимадан иборат бўлган;

– улар қайси йўналишда ҳаракатланишган;

– жиноятни фош этиш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар.

Жиноятчилар ва улар кўлида олиб кетаётган нарсаларининг алоҳида белгилари тўғрисида кўпроқ маълумот олиш зарур. Бунда оғзаки портрет тузиш учун маълумотлар олиш, уларнинг ташқи кўринишидаги энг кўзга ташланадиган белгиларни аниқлаш ва қайд этиш қоидаларига амал қилиш лозим. Мутахассислар (эксперт-криминалист, портретчи-рассом) ёрдамидан фойдаланиб, зудлик билан гумон қилинаётган шахсларнинг оғзаки, композицион, чизма портретларини тузиб олиш керак.

Шуни ёдда тутиш лозимки, жиноятларнинг кўпгина шохидлари ёхуд муҳим маълумотларга эга бўлган бошқа шахслар, айрим сабабларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқа қилишдан қочиб, бундай маълумотларни айтмайдилар. Шу боис тезкор ходимлар сўровнинг турли тактик усулларни қўллашлари зарур.

Тезкор ходим дастлабки ахборотни тўплагандан кейин, у ёки бу тезкор-қидирув чора-тадбирлари танланишини белгиловчи тезкор-тактик вазиятни аниқлаш учун уни зудлик билан ўрганиши ва иложи борича қисқа вақт ичида тўпланган маълумотларни бирламчи тактик таҳлилдан ўтказиб, жиноятни фош этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб олиши керак.

ТТГ таркибида фаолият юритган тезкор ходим ҳодиса содир бўлган жойда амалга оширилган ҳаракатлар ва жиноятни очишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ички ишлар органи раҳбариятига батафсил билдирги орқали ахборот беради.

ТТГ таркибида фаолият юритаётган профилактика (катта) инспекторининг вазифалари. Содир этилган жиноят факти бўйича профилактика (катта) инспекторларига хабар икки хил ҳолатда берилиши мумкин:

1) жиноятдан жабр кўрган шахснинг бевосита профилактика инспекторига мурожаат қилиши;

2) ўғрилиқ тўғрисидаги хабар ИИБ навбатчилик қисмидан берилиши.

Профилактика (катта) инспектори жисмоний ва юридик шахслардан жиноят тўғрисидаги хабарни олганда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– рация, телефон ва бошқа турдаги алоқа воситалари орқали дарҳол ИИБ навбатчилик қисмига хабар қилиш ва маҳалла посбонлари, ҳудудда хизмат олиб боришга бириктирилган бошқа соҳавий хизмат ходимлари (ППХ, ЙХХ, ЁХБ, ХЧК ва ФРБ) билан ҳодиса жойига етиб бориш;

– ТТГ ҳодиса жойига етиб келгунга қадар жиноят излари йўқолиб кетишининг олдини олиш, биринчи навбатда, хонадон эгалари ва бошқа фуқаролардан иложи борича эшиклар, пол ва жиҳозларни ушламасликларини талаб қилиш, зарур бўлса, уларни ҳодиса жойдан чиқиб кетишини таъминлаш, шунингдек, ҳодиса жойига бегона шахслар киришининг олдини олиш мақсадида эшик олди ёки бошқа кириш мумкин бўлган жойларни маҳалла посбонлари ёрдамида кўриқлаш ва уларнинг вазифаларни белгилаб бериш;

– ТТГ етиб келгунча имкон даражасида мазкур жиноят шоҳидларини, далилий ашёлар ва бошқа маълумотларни аниқлаш;

Профилактика (катта) инспектори содир этилган жиноят факти бўйича хабарни ИИБ навбатчилик қисмидан олганда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– зудликда ҳодиса жойига етиб бориш;

– ТТГ ҳодиса жойига етиб келгунга қадар жиноят излари йўқолиб кетишининг олдини олиш, биринчи навбатда, хонадон эгалари ва бошқа фуқаролардан иложи борича эшиклар, пол ва жиҳозларни ушламасликларини талаб қилиш, зарур бўлса, уларни ҳодиса жойдан чиқиб кетишини таъминлаш, шунингдек, ҳодиса жойига бегона шахслар киришининг олдини олиш мақсадида эшик олди ёки бошқа кириш мумкин бўлган жойларни маҳалла посбонлари ёрдамида кўриқлаш ва уларнинг вазифаларни белгилаб бериш;

– ТТГ етиб келганда гуруҳ раҳбарига аниқланган ҳолат юзасидан ахборот бериш, шоҳидлар, гумон қилинувчилар, жиноятга оид ашёлар тўғрисида маълумотлар тақдим этиш;

– ТТГ раҳбарининг топшириғига кўра, содир этилган жиноят факти бўйича яқин жойлашган хонадонлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда суриштириш ишларини олиб бориш ва зарур ҳолларда суриштирилган фуқаролардан ёзма тушунтириш хатлари олиш;

– хизмат ҳудудида яшовчи муқаддам жиноят ёки шунга ўхшаш жиноят содир этганлиги учун судланиб жазони ижро этиш муассасасидан яшаш жойига қайтиб келган, маъмурий назорат ўрнатилган ёки профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини аниқлаш чораларини кўриш, жиноят содир этишга мойил шахслар билан суҳбатлар ўтказиш, уларнинг жиноят содир

бўлган вақтида қаерда бўлганлигини аниқлаш чораларини кўриш, зарур ҳолларда улардан тушунтириш хатлари олиш;

– ТТГ раҳбарининг топшириғи асосида ҳодиса жойини кўздан кечириш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришга ёрдам бериш, тўплаган тушунтириш хатлари ва маълумотномаларини тақдим этиш.

ТТГ таркибида эксперт-криминалистика хизматлари мутахассис-криминалистининг вазифалари. ТТГ таркибида ҳодиса жойини кўздан кечиришга жалб этилган мутахассис-криминалистнинг асосий вазифаси излар ва ашёвий далилларни аниқлаш, мустаҳкамлаш, олиб қўйиш ва расмийлаштиришдан иборат. Бунда у ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда иш учун аҳамиятли излар ва нарсаларни топиш, қайд этиш, олиш ва ўраш мақсадида техник-криминалистик воситаларни қўллайди.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасини расмийлаштиришда мутахассис-криминалист ўзи аниқлаган ва олган излар ҳамда ашёвий далиллар бўйича ва қуйидаги маълумотлар юзасидан тушунтиришлар беради:

– аниқланган излар ва ашёвий далилларни топиш учун қўлланган воситалар;

– уларни олиб қўйиш усуллари (бутунлай олинган, қуймаси тайёрланган, предмет билан ёки унинг бир қисми билан олиб қўйилган ва ҳ.к.);

– излар ва ашёвий далилларни топиш жойи (топилган предметлар, тури ва ҳ.к.);

– излар ва ашёвий далилларнинг миқдори, уларнинг тури (таърифи, ясси ёки ҳажмли, статистик ёки динамик, рангсиз ёки рангли ва ҳ.к.);

– шакли, ўлчами, индивидуал хусусиятлари;

– изларни қўшимча қайд этиш (мустаҳкамлаш) усуллари (фотосуратга олиш, схема тузиш, махсус воситалар ёрдамида ва ҳ.к.).

Мутахассис-криминалист ҳодиса жойида жиноятни «иссиқ изидан» фош этиш ва жиноятчиларни излаш, топиш мақсадида изларнинг дастлабки тадқиқотини амалга оширади. Дастлабки тадқиқот натижалари ҳақида терговчи ва тезкор ходимга маълумот беради ҳамда кейинчалик ҳодиса жойини кўздан кечиришни тегишли журналда қайд этади. Фотосуратга олиш натижалари махсус бланкаларда фотожадваллар шаклида расмийлаштирилади ва уларга тушунтириш ёзувлари (изоҳномалар) илова қилинади. Фотожадвалларни ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этган мутахассис имзолайди. Фотосуратга олишни бажарган мутахассис терговчига фотожадвални ва негативларни ҳодиса жойини кўздан кечириш тугаган пайтидан бош-

лаб бир суткада, рангли фотоматериалларда бажарганда эса икки суткада ичида тақдим этади. Видеоёзувли тасма эксперт-криминалистика тузилмаси видеотекасида сақланади ва терговчи ёки суднинг талабига кўра намойиш этиш учун тақдим этилади.

Шунингдек, мутахассис-криминалист терговчининг кўрсатмасига кўра ҳодиса содир бўлган жойда жиноят билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қўл изларини қолдириши мумкин бўлган шахсларнинг бармоқ изларини дактокартага олади ҳамда кейинчалик ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган изларни АДИС «Папилон» мажмуаси имкониятлари тизимида мавжуд излар базаси билан солиштиради, зарур ҳолларда эса бошқа электрон криминалистик ҳисоблардан фойдаланади.

Ҳодиса жойидан олинган изларнинг айнан қайси жойдан ёки предметдан, қайси ҳолатда ва нечта из олганлиги кўрсатилиши лозим. Чунки, уйга ҳар куни кўчадан олиб келинадиган нарсалардан (шиша идиш, сигарета қутиси ва ҳ.к.) олинган излар ва доим уйда турадиган жиҳоздан олинган излар гумон қилинувчилар доираси кенгайишига ёки қисқаришига таъсир этади.

ТТГ таркибида терговчининг вазифалари. Терговчи ТТГ раҳбари сифатида ҳодиса содир бўлган жойда қуйидаги ҳаракатларни ташкиллаштириши ва амалга ошириши лозим:

1. Жиноят қаерда ва қачон содир этилгани, жиноятни содир этиш усули, ўғирланган нарсаларнинг алоҳида белгилари, жиноятдан ким ва қандай вазиятда биринчи бўлиб хабар топганини аниқлайди, ҳодиса содир бўлган жойнинг қўриқланишини таъминлайди.

2. Пост ва патруль гуруҳлари, профилактика нозирлари, пост ва маршрутларда хизмат ўтаётган ДЙҲХХ ходимларини хабардор қилади. Жиноятчи қочиши мумкин бўлган йўлларни тўсиш, ўғирланган нарсалар ўтказилиши (сотилиши) мумкин бўлган жойларни текшириш чораларини кўради.

3. Ҳодиса содир бўлган жойни (иложи бўлса, жабрланувчилар ва уларнинг қариндошлари иштирокида) кўздан кечирилади. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида ўғирланган нарсалар ва қимматбаҳо буюмларнинг қаерда сақлангани ва сонини аниқлайди. Тергов ҳаракатида қатнашаётган шахслардан жиноят аниқланганидан кўздан кечириш бошлангунича ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳолат ўзгарган-ўзгармаганлигини сўраб-суриштиради.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш қуйидагилардан бошланади:

1) ҳодиса содир бўлган жойнинг шароитини (жиноят содир этилган уйнинг жойи ва ҳолати, унга олиб келувчи йўлларнинг хусусияти,

остоналарини, қулфлаш-тамбалаш воситаларининг мавжудлиги ва ҳолатини) ўрганади;

2) уй-жой ва унинг атрофида жиноятчи қолдирган из ва предметларни, у ишлатган ёки теккан нарсаларни (бузиш қуроллари, қўл, тиш, пойафзал излари, қон доғлари, жиноят қуроллари ёки уларнинг қисмлари, транспорт воситаларининг излари, сигарета қолдиқлари ва ш.к.) топади, қайд этади ва олиб қўяди;

3) яхлит нарсани ажратиб ўғирлаш натижасида унинг ҳодиса жойида қолган қисмларини топади ҳамда уларнинг намуналари ёки қолган қисмини олади;

4) топилган ва жабрланувчига тегишли бўлмаган қурол ёки асбобларни олиб қўяди, уларда бегона моддалар бор-йўқлигига алоҳида эътибор қаратади;

5) жиноятчининг бадани, кийими, пойафзалида, қулфни бузиш қуроллари ва транспорт воситаларида қолиши мумкин бўлган ва унинг ҳодиса содир бўлган жойда бўлганлигини тасдиқлайдиган барча из ва ашёвий далилларни (металл ёки ёғоч қириндилари, бўёқ, сувоқ ёки ғишт парчаларини) топади улардан намуналар олади.

4. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноят содир этилгандек кўрсатишга ҳаракат қилинганидан далолат берувчи тартибсизлик, сочилиб кетган ва носоз ҳолатга келтирилган буюмларга ҳам эътибор қаратади. Жиноят жойига киришнинг ушбу усулида бўлиши шарт бўлган бузиш ва хонага кириш изларининг йўқлиги, бузиб кириш учун шароитнинг атайин яратилганлигидан далолат берувчи белгиларнинг мавжудлиги, шунингдек бундай жиноятни содир этишга имкон бермайдиган шикастнинг мавжудлиги кабиларга эътибор қаратиши керак.

5. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан бир вақтда қидирув ити (жиноятчининг изларини аниқлаш, у ташлаб кетган ёки йўқотган нарсаларни, жиноят қуроллари, жиноятчи яшириб қўйган жиноят буюмларини излаб топиш учун)ни қўллаш тўғрисида (терговчи ўзи учун тактик) қарор қабул қилади.

6. Жиноятчиларга тегишли буюмлар топилса, жиноятчиларни аниқлаш учун уларни олиб қўяди, уларнинг ҳидини сақлаб қолиш мақсадида ўрайди, қоғоз қопага солади ва муҳрлайди ҳамда баённомага илова қилади.

7. Ҳодиса содир бўлган жойнинг схемасини чизади.

8. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини расмийлаштиради.

3. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИ

Терговга қадар текширув жиноят процессининг илк босқичи бўлганлиги сабабли, унда иш юритувини бошлаш асослари мавжудлиги текширилиши барчага аён. Лекин ушбу текширув қонун томонидан белгиланган чегараларда ва меъёрлар доирасида амалга оширилиши шарт. Жиноят процессуал қонунчиликда терговга қадар текширув ўтказишнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгиланган.

ЖПКнинг 32-моддасига асосан, Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 149-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жабрланувчи ночор ахволда бўлганлиги, айбланувчига қарам бўлганлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ўзи ҳимоя қила олмайдиган алоҳида ҳолатларда прокурор жабрланувчининг шикоятсиз ҳам жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Жиноят кодексининг 167, 170, 172, 173-моддаларида назарда тутилган ва устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишлари фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилади.

Зеро, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масала терговчи ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс томонидан мустақил равишда ҳал этилади ва бу унинг процессуал мустақиллигининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Жиноят процессуал кодекснинг 329-моддасига асосан, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то

ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати куйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асослангандиган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

Агар амалдаги процессуал қонунчилик нормаларини илгари амалда бўлган ЖПК (1959 й.) билан таққосласак, унда иш қўзғатилишидан олдин фақат ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ўтказиш мумкин бўлганлигини кўрамиз. Қонуншунос амалдаги процессуал қонунчиликни қабул қилишда тергов ва суд амалиёти натижаларини таҳлил қилган ҳолда ва кўп учрайдиган ҳолатлардан келиб чиқиб, экспертиза ўтказиш ва ушлаб туриш мумкинлигини қўшганлигига амин бўламиз.

Терговга қадар текширувни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи прокурор ёки суд жиноят процессуал қонун талабларини тўлиқ ва тўғри бажаришлари лозим. Ваколатли мансабдор шахслар қонунчилик нормаларига асосланган ҳолда жиноят содир этилган ҳар бир ҳолат бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширишлари керак. Агар тегишли асослар аниқланган бўлса, жиноят иши дарҳол қўзғатилиши шарт. Шунинг учун терговга қадар текширув ўтказиш баҳонасида жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масаланинг атайин чўзилишига йўл қўйилмаслиги керак. Қўшимча материалларни талаб қилиб олиш, тушунтиришлар олиш ва бошқа чораларни қўллаш орқали

текширув фақат жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги масалани мавжуд бирламчи материаллар асосида аниқлаб бўлмайдиган ҳоллардагина амалга оширилиши керак.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда қонунда белгиланган терговга қадар текширувни амалга ошириш муддатларининг ўтказиб юборилишига ҳам, керак бўлмаган шошма-шошарликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу юзакичиликни келтириб чиқаради. Тўпланган материалларни юзаки равишда текшириш (шу билан бирга, текширувнинг ўтказилмаганлиги оқибатида) ноқонуний ва асоссиз равишда жиноят иши қўзғатилишига ҳамда ишни қўзғатиш рад этилишига олиб келади ва қонун бузилишига сабаб бўлади. Келиб тушган ариза ва хабарларнинг ўз вақтида ва тўлиқ текширилиши билан терговга қадар текширув босқичида қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги орасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Терговга қадар текширувни амалга оширишда ваколатли органлар ва мансабдор шахслар тегишли материалларни талаб қилиши ва тушунтиришлар олиши ЖПК нормалари билан тартибга солинган. Суриштирув органлари бундай текширувни амалга ошириш жараёнида белгиланган тартибда тезкор-қидирув ҳаракатларини ўтказишлари мумкин.

Тушунтириш хатлари муайян фуқаролар ва мансабдор шахслардан олинади. Ўз моҳиятига кўра, ушбу ҳаракат жиноят иши қўзғатилганидан сўнгра ўтказиладиган сўроқдан фарқ қилади. Агар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ишнинг барча ҳолатларини, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга йўналтирилган бўлса, тушунтириш хатлари жиноят ишини қўзғатиш учун асосларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни аниқлаштиришга йўналтирилади. Тушунтириш хатининг мазмуни терговнинг дастлабки босқичида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунинг учун тушунтириш хатлари фақат уларсиз жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда олиниши керак.

Жуда кўп шахсларда тушунтириш хатлари олиниши (агар ишни қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун материаллар тўпланган бўлса) жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этишни сунъий тарзда кейинга қолдириш, куч ва воситаларни, маблағларни бекорга сарф қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол қилиниши сифатида тушуниш керак.

Кўпчилик шахсларни олдин тушунтиришлар беришга, кейинчалик сўроқларга бир неча маротабалаб чақирилиши дастлабки тергов самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки бундай ҳолатларда терговни қизиқтирувчи маълумотлар кераксиз доирадаги шахсларга маълум бўлиб қолишига олиб келади ҳамда жиноятчилар имкони борича барча излар, далилий маълумотларнинг йўқ қилинишига қаратилган ҳаракатларни кўрадилар.

Тушунтириш хати олинаётган шахс ЖКнинг 238–240-моддалари билан жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилиши лозим ҳамда шахсга ҳақиқий кўрсатмалар бериш бурчи мавжудлиги ҳақида эслатиб ўтиш ҳалақит қилмайди.

Тушунтириш хатлари фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан шахсан ёзиб берилади. Бунда тушунтириш хатлари суриштирувчи ёки терговчининг чақирувчига биноан хизмат хоналарида, истиқомат ёки иш жойларида олиниши мумкин. Шу ўринда тушунтириш олинандиган шахсларни мажбурий келтириш мумкин эмаслигини қайд этиш жоиз. Шу билан бирга, тушунтириш бераётган шахс ҳақидаги барча маълумотлар (фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, жойи, иш ва яшаш жойи)нинг тўғри аниқланиши муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят процессуал қонунчиликда терговга қадар текширув босқичида талаб қилиб олинандиган маълумотларнинг аниқ рўйхати ва турлари кўрсатилмаган. Содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан келиб чиққан ҳолда корхона, муассаса, ташкилотлардан, алоҳида фуқаролардан турли мазмундаги материаллар талаб қилиб олиниши мумкин. Амалиётдан маълумки, кўпинча бундай материаллар ёзма ҳужжатлар (маълумотномалар, накладнойлар, тафтиш далолатномалари, буйруқлардан кўчирмалар, тавсифномалар ва ҳ.к.)дан иборат бўлади.

Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг қўшимча материалларни бериш ҳақидаги талаблари барча мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади. Дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар ва муассасалардан материалларни талаб қилиб олиш махсус белгиланган тартибда амалга оширилади (Ташқи ишлар вазирлиги орқали).

Жиноят тўғрисидаги ариза ёки хабар текширувини амалга ошираётган ваколатли мансабдор шахс ишни қўзғатиш масаласини ҳал этиш мақсадида материаллар билан улар сақланаётган жойда (корхона, муассаса, ташкилотда) танишиб чиқишга, лозим ҳолатларда қўшимча

идоравий текширувлар, тафтишлар, инвентаризациялар ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир¹.

Жинойят ишини кўзғатишдан аввал ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларидан биринчи ва энг кўп учрайдигани – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳаракатидир. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказиш жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни зудлик билан текширишга, далилларни аниқлаш ва қайд қилишга имкон беради. Ўз вақтида ва малакали ўтказилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижаси жиноятнинг аниқланиши ва очилишининг самарали кафолати ҳисобланади.

Жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарлар бўйича кўздан кечириш тергов ҳаракати терговчи томонидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ. У ўтказилган тергов ҳаракатининг натижаларига кўра жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиши, агар тўпланган материаллар етарли бўлмаса, жиноят аломатларини аниқлашга йўналтирилган терговга қадар текширувни давом эттириши керак. Барча ҳолатларда жиноятнинг белгиларини аниқлашга, жиноят ишини кўзғатиш учун материалларни тўплашда суриштирув органлари ходимлари билан кенг ҳамкорликда ишлаши керак. Шунинг учун амалиётда мавжуд бўлган терговга қадар текширув босқичида баъзи терговчиларнинг ўз иштирокини фақат кўздан кечириш ўтказиш билан чегаралаб қўйишини нотўғри деб ҳисоблаш керак.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мустақил тергов ҳаракати сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 135–141-моддалари билан тартибга солинади. У бошланғич ва кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим тергов ҳаракати ҳисобланади ва у жиноят изларининг табиий таъсирлар натижасида бузилиб кетиши ва атайлаб йўқотилишининг олдини олишга йўналтирилган. Шу сабабли терговчи ҳодиса содир бўлганлиги тўғрисида хабар олиши билан ҳар қандай об-ҳаво шароитига, вақтга қарамай дарҳол ўша жойга етиб бориши ва кўздан кечиришни бошлаши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ҳақиқий ҳодиса ҳолатларини аниқлаш ва холисона терговни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар, яъни кўздан кечирилаётган объектларнинг ҳолати, ўзига хос белгилари аниқланади. Шунингдек, содир бўлган ҳодисанинг хусусияти, жиноятчининг шахси ва мақсади каби ҳолатлар ҳам аниқланади.

¹ *Сергеев Л.Н.* Ревизия при расследовании преступлений. – М., 1999. – С.61.

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ҳодиса содир бўлган жой, нарса ва ҳужжатлар, мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф ва бинолар кўздан кечирилади.

Уларни кўздан кечиришда, биринчи навбатда, қуйидаги вазифалар ҳал этиши лозим:

- ҳодиса юз берган жойнинг ҳолати билан шахсан танишиш;
- иш бўйича аҳамиятли бўлган далилларни, изларни, нарса, қурол ва ҳужжатларни топиш, қайд қилиш ва олиш;
- ҳодиса натижасида юз берган ўзгаришларни аниқлаш;
- жиноят ҳодисаси ҳолатлари бўйича терговни қизиқтирувчи масалаларни ҳал этиш;
- тусмолларни олға суриш ва уларни текшириш;
- жиноятчи ёки қидирилиши лозим бўлган гувоҳларни кўрсатувчи маълумотларни йиғиш;
- тергов давомида гумон қилинаётган шахс, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини текшириб кўришга имкон берадиган маълумотларни йиғиш.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдаги асосий талаблар: унинг қонунийлигини таъминлаш, ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиш, ҳолисона тартибда режали ҳамда қатъий тизимли бўлишига эришиш.

Кўздан кечиришнинг *қонунийлиги* деганда, уни ўтказишда Жиноят-процессуал кодекси талабларига тўлиқ риоя қилинганлиги тушунилади.

Ўз вақтидалиги жиноят тўғрисидаги хабар олиниши билан дарҳол ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш лозимлигини билдиради.

Тўлиқлиги ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳар бир ҳолат, нарса, изнинг аниқланиши ва улар кўздан кечириш тўғрисида тузиладиган баённомада аниқ ва тўлиқ қайд этилиши демакдир.

Режали равишда ўтказилиши деганда, терговчи ҳодиса ҳолатига қараб шу жойни кўздан кечиришни нимадан бошлаб, нима билан тугаллашни ҳисобга олганлиги тушунилади.

Ҳолислигини таъминлаш содир бўлган ҳодиса юзасидан шу жойни кўздан кечиришда терговчининг илгари сурган тезкор гумонларини тасдиқловчи ва инкор этувчи барча ҳолатлар ойдинлаштирилиши зарурлигини билдиради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда уни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, энг аввало, тадбирни ўтказиши лозим бўлган тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи тар-

киби тўлиқ бўлиши, улар зарур криминалистик техника воситалари билан қуролланган бўлиши, экспертлар, мутахассислар, холислар ва тезкор масалаларни ҳал этиш учун ички ишлар идоралари ходимларининг ҳозир бўлиши ҳамда кўздан кечиришда ишлатилиши талаб этиладиган жиҳоз ва ускуналарнинг тайёр ҳолда бўлиши тушунилади.

Холис сифатида яшаш ва иш жойлари аниқ, ақли расо, эшитиш ва кўриш қобилияти яхши бўлган шахслар жалб қилиниши зарур. Холисликка саводсиз, жазо ўтаётган, тилни яхши билмайдиган шахсларни ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ишловчи шахсларни жалб қилмаслик лозим.

Терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жиноят субъектлари ҳақида ҳам маълумот олиши мумкин. Масалан, топилган оёқ изларидан жиноятчилар бир неча киши бўлганлигини, оёқ кийимининг изидан эса жиноятчининг жинсини, тахминий бўйи ва вазнини аниқлаш мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан кўзланган асосий мақсад ҳодисанинг келиб чиқиш ҳолатини бевосита кўриш билан мавжуд из, ашёвий далилларни топишдан иборат.

Одамнинг йўқолиши сабабли қўзғатилган жиноий иш бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тинтув ўтказиш билан қўшилиб кетади. Бундай пайтда йўқолган кишининг хонасида қон изларининг бор ёки йўқлиги, ювилган, қирилган, рангланган жойлар, йўқолган кишининг хужжатлари, шахсий нарсалари қандай ҳолатда эканлиги текширилади. Агар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда йўқолган шахснинг танишлари, қўшнилари жиноят қилишда гумон остига олиниб, далилий ашёларни яширган деган хулосага келинса, терговчи тинтув ўтказиш ҳақида қарор чиқаради ва дарҳол тинтув ўтказилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда тўпланган маълумотлар ва далиллар жиноятчини қаердан ёки қандай кишилар орасидан қидириш кераклигини кўрсатувчи маълумотлар йиғиш учун замин яратади.

Ҳодиса жойин кўздан кечиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

– бўлиб ўтган ҳодиса содир бўлган жойнинг шароитлари билан танишиш, масалан, жасадни кўздан кечиришда унинг атрофидаги шароитлар билан танишиш, излар топиш ва бошқалар;

– далилларни топиш, уларни мустаҳкамлаш ва олиб кетиш;

– жиноятчининг шахсини кўрсатувчи издан дарҳол бориб, уни топиш, жиноий-қидирув ишларини уюштириш, зарур маълумотлар тўплаш. Шунинг учун ҳам ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш турларидан фойдаланиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Кўздан кечиришнинг юқорида келтирилган турлари ичида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш муҳим аҳамиятга эга. Бу тардаги кўздан кечириш мураккаб бўлиб, тергов ходимларидан юқори малакани талаб қилади.

Одамлар яшайдиган ва яшамайдиган бинолар, жиноят содир бўлган очик жойлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг объектлари ҳисобланади. Масалан, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, ёнғин, босқинчилик, баданга оғир тан жароҳати етказиш, қора молларнинг ўлдирилиши, мулкнинг нобуд қилиниши ва ишдан чиқарилиши; бузиш йўли билан қилинган ўғирлик; ишлаб чиқаришдаги фалокат ва бошқалар кўздан кечиришнинг объектлари бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, ашёвий далил бўлмаган, лекин қандайдир даражада ҳодиса жойи ҳолати ўзгарганлигини кўрсатадиган, ўзининг ҳолати билан жиноят содир бўлганлигидан гувоҳлик берадиган жисмлар, масалан, ағдарилиб ётган стул, синган ойна, сочилиб ётган нарса ва ҳоказолар ҳам кўздан кечирилади.

Ашёвий далил бўлиши мумкин бўлган жисмларни кўздан кечириш жиноятни очишда катта аҳамиятга эга.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг муваффақияти ва самарадорлиги унинг тартиб-усулларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Бунинг учун терговчи ва суриштирувчи ҳодиса содир бўлган жойни тўғри мўлжал қилиши, кўздан кечириш усулларини тўғри қўллаши, шароитни баҳолай олиши, ҳодиса содир бўлган жойда ашёвий далилларни пайқаш ва уни қайд қила билиши керак. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш усули содир қилинган жиноятнинг характерига боғлиқ.

Жиноят ишини кўзғатишдан олдин ўтказилиши мумкин бўлган ҳаракатлардан яна бири – ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси. Ушлаб туриш мажбурлов чорасини қўллаш фақат жиноят содир қилишда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида жиноят иши кўзғатилгунига қадар ёки жиноят иши кўзғатилганидан сўнг жиноят ишига жалб этиш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, ана шу асосларга таян-

ган ҳолда шахсни ушлаб туриш мумкин. Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси бўлиб, у жиноят иши қўзғатмасдан олдин ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда шахс ушлаб турилгандан сўнг 24 соат ичида унинг ушлаб туриш асослари текширилиши, тегишли ҳужжатларни талаб қилиб, кўздан кечириш каби процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши лозим. Агар шахснинг асоссиз ушлаб турилганлиги аниқланса, милиция бўлими бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ушлаб турилган шахсни озод қилиш тўғрисида қарор чиқарилиши лозим.

Шу ўринда Жиноят-процессуал кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган ушлаб туриш асосларига тўхталиб ўтамиз. Чунки айнан ушбу моддада таъкидланган ушлаб туриш асослари шахсни гумон қилинувчи сифатида жиноят ишига жалб қилиш учун асос бўлади.

Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида таъкидланган ушлаб туриш учун асослар қуйидагилардан иборат:

– шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушса;

– жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

– унинг ўзидан ёки кийимидан ёхуд уйдан содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

– шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан ушлаб туриш ва оғирроқ процессуал мажбурлов чораларини қўлланиш фактининг ўзи унинг жиноят процессида гумон қилинувчи сифатида қатнашишининг муайян чегараларини белгилайди.

Терговга қадар текширув давомида содир этилган жиноятга алоқадор бўлган ёки содир этилган жиноят аломатларини ўзида сақловчи кўпгина буюм, ашё ва шахслар аниқланиши мумкин. Ушбу ашёлар дастлабки тергов органлари ва суд томонидан аниқланади ва уларнинг назоратида бўлади. Ушбу доирадаги шахслар орасидан жиноят содир этишга бевосита алоқадор бўлган, юқорида тилга олинган органларда қизиқиш уйғотувчи шахсларга нисбатан ҳам «гумон» сўзини ишлатишимиз мумкин.

Кўздан кечирилган ва текширилган фактлар асосида терговчи ёки суриштирув органи кўплаб тахминлар орасидан жиноят ишига гумон қилинувчини жалб этишга шароит яратувчи энг ишончлиларини

танлаб олади. Шахнинг жиноят содир этишда бевосита иштирок этганлиги тергов ҳаракатларини амалга ошириш орқали аниқланади.

Шундай қилиб, «гумон қилинувчи» тушунчаси ўзида учта белги ёки элементни қамраб олади.

Биринчиси, жиноят процессининг бирор-бир иштирокчиси унга тегишли далиллар йиғиндиси билан боғлиқ ҳолда дастлабки тергов ва суд органлари нигоҳига тушишига асос бўладиган объектив элемент. Ушбу элемент тергов ҳаракатларини амалга ошириш йўли билан тўпланади.

Иккинчиси, зарурат юзасидан ушбу шахсни жиноят содир этганлигини тасдиқлаш, далилларни ўрнатиш ёки шахсни суриштирув органлар нигоҳига тушишига асос бўлувчи тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш йўли билан олинган маълумотлар.

Учинчиси, дастлабки тергов органлари ва суд томонидан ушлаб турилишига асос бўлувчи шахс томонидан бевосита содир этиладиган ҳуқуққа хилоф қилмишлар. Ушбу ҳолатда шахснинг бундай қилмишлари жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга олинishiга ёки шахс доимий яшаш жойига эга эмаслиги ёки шахси аниқланмаслик каби ҳаракатларда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган белгилардан бирортасининг мавжудлиги, дастлабки тергов органларига аниқ шахсга нисбатан маълумотлар йиғишни бошлаш имконини беради.

Гумон қилинувчи деганда, дастлабки тергов ва суд органларининг аниқ бир жиноятни тергов қилишда кузатув объектига айланган шахсни тушуниш керак. Бундан ташқари, аниқ фактларга асосланиб йиғилган маълумотлар асосида дастлабки тергов ва суд органларида жиноятни аниқ бир шахс томонидан содир этилгани тўғрисида ишончли тахминлар пайдо бўлаётган шахс. Шахсдан гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар бевосита ёки билвосита таърифга эга далиллар йиғиндиси ёки тизими сифатида намоён бўлиб, улар асосида тегишли шахснинг жиноят содир этганлиги тўғрисида шубҳа ҳолатининг мавжудлиги шахс устидан дастлабки тергов жараёнида тегишли тергов ҳаракатлари ўтказиш учун асос бўлади ва уни иш бўйича гумон қилинувчи сифатида жалб қилишни тақозо этади. Шахсни гумон қилинувчи сифатида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради. Ана шу қарор чиқарилган вақтдан бошлаб гумон қилинувчи шахс жиноят процессуал ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади ва муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Шахс гумон қилинувчи сифатида жиноят ишига жалб қилингандан сўнг унинг жиноят содир этганлигини фош қилиш билан бирга, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи туради. Агар гумон қилинувчи ушлаб турилган бўлса, юқоридаги ҳуқуқлардан ташқари ушланганларни ушлаб туриш жойларида бўлиши билан боғлиқ процессуал ҳолатидан келиб чиқиб бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

Гумон қилинувчининг Жиноят-процессуал кодексида қайд этилган барча ҳуқуқлари унга нисбатан асоссиз гумон қилишдан ўзини ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан жиноий-процессуал муносабатларини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, жиноий-процессуал фаолиятни амалга ошириш, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари билан ўз ташаббуси ёки қонун кучи билан жиноий процессуал муносабатларга киришиш – буларнинг барчаси гумон қилинувчини жиноий процессуал фаолиятнинг субъекти сифатида характерловчи белгиси ҳисобланади. Гумон қилинувчи шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузиш бевосита жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларни ушбу шахсларга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик ҳаракатида бўлиб, у фаол амалга оширилиши ёки ушбу шахсни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминламасликда намоён бўлиб ва у ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкин.

Ушбу ҳаракатлар гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши қаратилган бўлиб, ундаги шахсга хос бўлган қадриятларни инкор этувчи таърифда ифодаланади.

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида давлатнинг қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг аҳамияти муҳим рол ўйнайди. Бу муносабатлар шундан иборатки, жиноят процессининг ташкил этилиши шахснинг давлатда бўлган ҳуқуқлари ва мавқеига чуқур ижобий таъсир кўрсатиш орқали Жиноят-процессуал кодексининг юксак сиёсий аҳамиятга эга эканлигини намоён этади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 329-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноят ишини кўзғатишдан олдин ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларининг охиригиси бу экспертиза тайинлаш ва ўтказишдир. Амалдаги процессуал қонунчиликка асосан, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текши-

риш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, мутахассислар, холисларнинг бундай билимларга эга бўлиши экспертиза тайинлаш заруратидан озод этмайди. (ЖПК 172-м. 1-қ.). Экспертиза асосида олинadиган хулосалар далил манбалари бўлиб, улардаги фактик маълумотлар эса далил сифатида тан олинади.

Экспертиза – янги далилларни олиш ва мавжуд далилларни текширишнинг мустақил процессуал шакли. Процессуал ҳаракат сифатида экспертизанинг ўзига хослиги уни тайинлаш, ўтказиш ва процессуал расмийлаштириш шакллари мавжудлиги билан ажралиб туради. Унинг ўзига хослигининг яна бир жиҳати – экспертиза ўтказишда фактик маълумотлар терговчи томонидан эмас, балки терговчининг чиқарган процессуал ҳужжати (қарори)га асосан, илм, фан, техника, санъат ёки касб соҳасида махсус билимларга эга шахс – эксперт томонидан олинishiдир. Ҳатто терговчи бирор соҳа бўйича махсус билимга эга бўлган тақдирда ҳам унинг эксперт ва иш юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахс вазифаларини бир вақтнинг ўзида бажаришига йўл қўйилмайди ва экспертиза ўтказилиши керак. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал шаклга солинганлиги экспертлар хулосаларининг қонунийлиги, асослилиги ва илмий жиҳатдан асослантирилганлигини таъминлашга қаратилгандир.

Тергов амалиётида экспертизалар асосан излар ва бошқа ашёвий далилларни тадқиқ қилиш учун, ўлим сабабини аниқлаш, айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи ёки гувоҳнинг руҳий ҳолатини аниқлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг, темир йўл, авиатранспортда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг, ёнғинларнинг, ишлаб чиқаришдаги аварияларнинг сабабларини ва вужудга келиш механизмларини, шунингдек бошқа бир қатор вазият ва ҳолатларни тадқиқ этиш мақсадларида тайинланади.

Экспертиза ҳеч қандай ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга ҳақли эмас, ушбу масалалар терговчи, прокурор ва суд томонидан ҳал этилади.

Экспертиза терговчининг қарори ёки суднинг ажримига биноан тайинланиб, экспертиза муассасасининг экспертига ўтказиш учун топширилади. Эксперт сифатида юқорида кўрсатилган муассасаларда хизмат қилмайдиган, махсус билимларга эга шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Тергов амалиётида экспертиза тайинланиши ва ўтказилишини тақозо этадиган мажбурий ҳолатлар мавжуд. Улар амалдаги процессуал қонунчиликда ҳам акс эттирилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

1) ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатининг хусусияти ва оғирлик даражасини;

2) жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса;

4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахснинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда уларнинг ғайриҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатмалар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

5) жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эса сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси жараёнида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини;

6) таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини;

7) гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини;

8) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини;

9) портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт.

Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, экспертиза ўтказиш шарт.

Тергов амалиётида етказилган тан жароҳатларининг тавсифини аниқлаш учун суд-тиббиёт экспертизаси эмас, балки гувоҳлантириш тайинланиши ва ўтказилиши ҳолатлари учраб туради. Масалан, Саломов томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш вақтида Зокировга тан жароҳати етказилганлиги бўйича қўзғатилган жиноят ишида терговчи

етказилган тан жароҳатининг тавсифи ва оғирлигини аниқлаш учун гувоҳлантириш тайинлаган ва шифокор томонидан терговчи иштирокида ўтказилган. Гувоҳлантириш жараёнида шифокор томонидан ўткир тигли нарса билан қорин бўшлиғига етказилган ва оғир деб тан олинган битта жароҳат ҳамда саломатлик ва соғлик учун хавф туғдирмайдиган деб тан олинган саккизта жароҳат аниқланган¹. Ушбу ҳолатда суд-тиббий гувоҳлантиришнинг суд-тиббийёт экспертизаси ўрнига ўтказилиши ЖПКнинг 173-моддаси 1-қисми биринчи банди талабларининг қўпол тарзда бузилиши деб тан олиниши керак.

Санаб ўтилганлар, қонунчиликка асосан, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш учун мажбурий бўлган ҳолатлардир. Тергов амалиётида ушбу тергов ҳаракати бошқа бир қатор ҳолатларда ҳам тайинланиши ва ўтказилиши мажбурий ҳисобланади. Хусусан, айбдор шахс талон-торож қилган, ноқонуний тарзда олиб юрган, сақлаган, ясаган ёки ўтказган нарсаларнинг қурол, ўқ-дори эканлигини аниқлаш учун махсус билимлар талаб қилинганида ҳам экспертиза тайинланиши лозим. Бундан ташқари, тергов амалиётида ўғирланган, нобуд қилинган, бузилган мулкнинг қийматини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам уларнинг нархини аниқлаш учун, таносил касаллиги борлигини аниқлашда, пулларни сохталаштириш фактини ўрганишда, гиёҳвандлик моддасининг таркибини билишда, спиртли ичимликларга ружу қўйган ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга берилган шахс мажбурий даволанишга муҳтожлигини аниқлаш учун ҳам экспертиза тайинлаш шарт ҳисобланади.

Қонунчиликда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганида ва юқоридаги ҳолатларда экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши мажбурийдир. Акс ҳолда тергов идоралари учун ноқулай бўлган оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Хусусан, суд жинойт ишини судда кўриш учун тайинлаш вақтида кўриб чиқиб, қонун нормалари бажарилмаганлиги сабабли, юқори инстанция суди томонидан терговнинг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқламалиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳукми бекор қилиниши ва қайта терговга қайтарилиши мумкин (ЖПК 484–485-м.). Бунда суднинг қарори иш материалларидан, ўрганилиши лозим бўлган ҳолатларни тадқиқ этиш ва бу жараён учун тегишли материалларини тақдим эта олиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

¹ Яшнаобод тумани жинойт ишлари бўйича судининг 2014 йил архиви. 8/14-10456 сонли жинойт иши.

Жиноят процессида махсус билимлардан фойдаланишнинг асосий шакли сифатида экспертиза бир қатор жиҳатларга эга:

Махсус билимлардан фойдаланиш. Экспертиза иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашда фақат махсус билимлар талаб қилинганда тайинланиши керак. Эксперт ечиши учун махсус билимлар талаб қилинмайдиган, терговчи ёки суд томонидан ҳал этилиши мумкин бўлган саволлар қўйилиши мумкин эмас.

Иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказиш. Экспертизанинг мақсади жиноят иши бўйича исботлаш предметиға кирадиган ёки далилий аҳамиятга эга ҳолатларни аниқлашдан иборат. Ушбу ҳолатлар эксперт томонидан ўтказиладиган тадқиқотлар натижасида аниқланиши лозим. Кўрсатиб ўтилган масалалар махсус тавсифга эга бўлиб, муайян мутахассисларнинг ваколатларига кирса-да, лекин ҳал этилиши учун тадқиқотлар ўтказилишини талаб қилмайдиган бўлса, экспертиза тайинланиши талаб қилинмайди.

Экспертизанинг махсус субъекти. Экспертиза терговчи ёки суд томонидан махсус тайинланган шахс томонидан ўтказилади. Ушбу шахс (эксперт) махсус билимларга эга бўлиши ва қонунда кўрсатилган бошқа талабларга ҳам мос бўлиши керак.

Экспертиза муайян процессуал шаклда амалга оширилади. Жиноят процессуал қонуни билан экспертиза тайинлаш, уни ўтказиш ва процессуал жиҳатдан расмийлаштиришнинг тартиби, экспертиза ўтказилиши муносабати билан процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайд этилиб ҳуқуқий расмийлаштирилди. Экспертизани тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал жиҳатдан расмийлаштирилиши унинг идоравий текширув, тафтиш ва ҳоказолардан фарқланишини аниқ кўрсатиб беради. Экспертиза ўтказишда процессуал шаклга риоя қилиш унинг натижаларини далил сифатида мақбул бўлишининг асосий шарти ҳисобланади.

Экспертизанинг ўтказилиш жараёни ва натижалари қонунга асосан далилларнинг мустақил манбаси сифатида тан олинган махсус ҳужжат – эксперт хулосасида акас эттирилади (ЖПК 81-м). Хусусан, айнан шу жиҳати билан экспертнинг фаолияти тегишли тергов ҳаракатида иштирок этган мутахассиснинг фаолиятидан фарқланади. Турли маълумотномалар, далолатномалар ва идоравий экспертизаларнинг хулосалари далилларнинг алоҳида манбаси бўла олмайди, балки улар бошқа ҳужжатлардан бири сифатида қабул қилиниши мумкин.

Экспертиза тайинланишининг ҳуқуқий асоси сифатида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор

шахсларнинг асослантирилган қарори тан олинади. Экспертиза Жиноят-процессуал кодекснинг 329-моддаси иккинчи қисмига асосан, жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари қаторига киритилганлиги сабабли уни ўтказишни суриштирув органлари ходимлари, терговчилар, прокурорлар ва суд тегишли ҳужжат (қарор ёки ажрим) чиқариш йўли билан тайинлашга ҳақлидирлар. Экспертизани тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал тартибига мувофиқ, қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши лозим:

- экспертиза тайинлаш билан боғлиқ бўлган тайёргарлик ҳаракатларини амалга ошириш; экспертни ёки экспертлик муассасасини танлаш; экспертнинг малакасини ва мутахассислигини аниқлаштириш; экспертни рад этиш асослари мавжудлигини текшириб чиқиш;

- экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор чиқариш;

- экспертга экспертиза ўтказиш пайтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш; экспертни ЖКнинг 238, 240-моддалари билан белгиланган ёлғон хулоса берганлик ва хулоса беришдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш;

- айбланувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириш ва унга экспертиза ўтказиш вақтидаги ҳуқуқларини тушунтириш;

- экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан танишиш вақтида айбланувчи томонидан билдирилган шикоят ва илтимосномаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

- суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда стационар назорат зарур бўлган ҳолларда айбланувчини (гумон қилинувчини) тиббиёт муассасасига жойлаштириш;

- экспертиза ўтказилиши ва эксперт томонидан хулоса берилиши;

- зарур ҳолатларда қўшимча ёки қайта экспертизани тайёрлаш ва уни экспертлар томонидан ўтказилиши; экспертни сўроқ қилиш;

- айбланувчининг экспертиза хулосаси ёки экспертизани ўтказа олмаслик тўғрисидаги маълумотнома, экспертни сўроқ қилиш баённомаси билан таништириш;

- экспертнинг хулосаси, экспертни сўроқ қилиш баённомаси билан танишиш вақтида айбланувчи томонидан билдирилган шикоят ва илтимосномаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш.

Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал шартлари, тартибига риоя қилмаслик процессуал қонунчиликнинг қўпол равишда бузилиши деб тан олинади ҳамда эксперт хулосасининг далилий кучи йўқолишига олиб келади.

4. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

Терговга қадар текширув жараёнида ўтказилиши мумкин бўлган ҳаракатлардан энг кўп учрайдигани – ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати. Жиноят иши кўзғатилишидан аввал ўтказиладиган ҳаракат сифатида у ЖПКнинг 329-моддаси 2-қисмида ва 135–141-моддаларида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг муваффақияти ва самарадорлиги кўздан кечиришнинг тартиб-усулларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Бунинг учун терговчи ва суриштирувчи ҳодиса содир бўлган жойни тўғри мўлжал қилиши, кўздан кечириш усуллари тўғри қўллаши, шароитни баҳолай олиши, ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далилларни топиши ва уни қайд қила билиши керак. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш усули содир этилган жиноятнинг характериға боғлиқ.

Терговчининг ҳодиса содир бўлган жойда кутилмаган нарсаларға дуч келиши мумкинлиги унинг кўздан кечиришға тайёрланиб боришини тақозо қилади. Чунки ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мураккаб тергов ҳаракати бўлиб, бунда терговчи ҳам тактик усуллари, ҳам илмий-техник воситаларни қўллай билиши талаб этилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришға боришдан аввал унга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Терговчи ҳодиса тўғрисидаги хабарни олганидан сўнг, энг аввало, ҳодиса жойининг ҳолати, тафсилоти ва бошқа зарур маълумотларни олиши лозим. Сўнгра ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлаш чораларини кўриши керак. Шунингдек, у ҳодиса содир бўлган жойға чиқишдан олдин тергов чемоданида барча ускуна ва жиҳозлар борлигини текшириб кўриши, ҳодиса жойида зарур бўладиган нарсаларни олиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришға тайёргарлик кўриш икки босқичдан: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришға чиқишдан аввалги тайёргарлик ҳамда жойға чиққандан кейинги тайёргарликдан иборат бўлади.

1. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришға чиқишдан аввалги тайёргарлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

– жабрланувчи тиббий ёрдамға муҳтож бўлса, унга тезда ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

– терговчи келгунға қадар ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлашни уюштириш. Бунинг учун терговчи дарҳол ички ишлар органиға

хабар қилиб, уларга ҳодиса содир бўлган жойни қўриқлаш ҳақида, ўзи етиб боргунга қадар ҳеч кимни ҳеч нарсага қўл урдирмаслик, ашёвий далилларни қўзғатмаслик, уларни бир ердан бошқа ерга олиб қўймаслик ҳамда изларни сақлаш ҳақида (агар терговчига жиноятни ким содир этганлиги ҳам хабар қилинган бўлса, гумон остидаги шахсни ушлаш, бу ҳодисани кўрган кишиларнинг кетиб олмаслиги хусусида) кўрсатмалар беради;

– агар ҳодиса узоқроқ жойда содир этилган ва у ерда холислар топиш қийин бўлса, терговчи кўздан кечиришга чиқишдан аввал холисларни танлаши;

– тергов чемоданида барча зарур воситалар бўлиши;

– зарур бўлганда кинологни хизмат ити билан олиб бориш чораларини кўриш;

– мурдани ўликхонага олиб бориш ва ашёвий далилларни олиб кетиш масаласини ҳал этиш;

– содир этилган жиноятнинг характериға, жиноят содир бўлган жойнинг ўзига хос хусусиятларига қараб бошқа хилдаги тайёргарлик чораларини ҳам кўриши шарт. Масалан, агар жасад сувда бўлса, қайиқ топиш, агар ер қазиш зарур бўлса, курак ва бошқа асбобларни олиш керак бўлади. Агар содир этилган жиноят одам ўлдириш билан боғлиқ бўлса, керакли мутахассисни чақириш ва ҳоказо;

– агар ҳодиса содир бўлган жойдаги излар – қўл ва оёқ, транспорт, қон излари об-ҳаво таъсири остида ўзгариши мумкин дейиш учун асос бўлса, бунда терговчи милиция ходимиға, мансабдор шахсларға, маҳаллий ҳокимият раҳбарларига бу изларнинг устини унга зиён етказмайдиган қилиб, бирор нарса билан ёпиб қўйишни топшириш.

2. Ҳодиса содир бўлган жойға келгандан кейинги тайёргарлик қўйидагиларни ўз ичига олади:

1) ҳодиса содир бўлган жойдаги жабрланувчига керакли ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш (агар терговчи келгунча бу ёрдам кўрсатилмаган бўлса);

2) ҳодиса содир бўлган жойда тартиб ва хавфсизлик ўрнатиш (агар портлаш, ёнғин хавфи бўлса), кўздан кечиришга халақит бераётган, кўздан кечиришга алоқаси бўлмаган барча кишилар ва нарсаларни четлатиш;

3) айбдор шахсларни аниқлаш ва ушлаш учун барча зарур чораларни кўриш;

4) бўлиб ўтган ҳодисадан хабардор бўлган кишилардан, жабрланувчидан, милиция ходимларидан, мансабдор шахслар ва бошқа ҳодиса

содир бўлган жойга биринчи бўлиб келганлардан содир бўлган ҳодиса ҳақида сўраб-билиб олиш, шунингдек, ҳодиса содир бўлган жойда бирор-бир ўзгариш бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш. Жабрланувчини сўроқ қилиш ҳамма вақт ҳам, айниқса, у оғир аҳволда бўлиб, тиббий ёрдамга муҳтож бўлса, кутилган натижа беравермайди. Терговчи ёки суриштирувчи тергов тусмолини тузиш ва жиноятни тезроқ очиш мақсадида врачнинг рухсати билан жабрланувчига бир неча саволлар бериш ҳуқуқига эга. Бу саволлар қандай ҳодиса юз бергани, жиноятнинг мотивлари ҳақида бўлиши мумкин;

5) холисларни, мутахассисларни таклиф қилиш. Айбдор шахс кўздан кечиришда терговчи, суриштирувчи ва холислар бўлган тақдирда қатнашади ва у жасад қаерга қўйилгани, милтиқ қаердан отилгани, жиноят қуроли қаерга яширилгани ёки отиб юборилганини кўрсатиши мумкин.

Терговчи кўздан кечириш бошланишидан олдин холислар, экспертлар, мутахассисларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, доимо ҳодиса содир бўлган жойда бўлишлари лозимлигини, нималарга эътибор қаратишларини тушунтириш керак. У ҳодиса содир бўлган жойга келиши билан вақтга, об-ҳавога, ёруғлик даражасига эътибор бериб, бу ҳолатларни қайд этиши, кейинчалик уни баённомада кўрсатиши зарур. Шундан сўнг ҳодиса содир бўлган жойдан кераксиз шахсларни ва нарсаларни четлаштириши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун етиб келган терговчи ва тезкор ходим дастлабки ҳолатларга баҳо бериб, қандай тезкор-қидирув ишларини дарҳол бажариш лозимлигини аниқлаб, тегишли ходимларга аниқ топшириқлар беришлари лозим. Масалан, шахси номаълум жасад топилганида профилактика инспектори ва жиноят-қидирув бўлими ходимларига ҳодисани кўрган шахсларни топиш ва жабрланувчи шахсни аниқлаш, агар қотиллик содир этилган бўлиб, жабрланувчининг шахси аниқ бўлса, қандай ҳодиса юз берганлигини аниқлаш юзасидан тегишли тезкор ҳаракатларни бажариш тўғрисида топшириқлар бериши керак.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш учун ҳозир бўлган ТТГ аъзолари дастлабки ташкилий ишларни ҳал этганларидан сўнг, терговчи тегишли тайёргарликни таъминлагач, ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда уни кўздан кечиришни қандай тартибда ўтказилишини белгилаб олиши лозим. Агар излар асосан марказда бўлса, қотиллик содир этилган бўлиб, жабрланувчининг шахси номаълум бўлса, ҳодиса жойини кўздан кечиришни марказдан, яъни

жасад ётган жойдан, агар ҳодиса жойининг маркази аниқ бўлмаса-ю, жабрланувчининг шахси аниқ бўлса ёки жиноят излари катта ҳудудда ҳар жойда бўлса, ҳодиса жойини кўздан кечиришни бир чеккадан, яъни чапдан ўнгга ёки ўнгдан чапга қараб бошлаш керак. Чунки жиноят излари катта ҳудудда, ҳар жойда бўлиб, кўздан кечириш марказдан бошланса, жиноят излари босилиб кетиб, ҳолат ўзгариши мумкин.

Қотиллик содир этилган, жабрланувчининг шахси номаълум бўлган жойда кўздан кечириш бир чеккадан бошланса, жасад ётган жойгача кўздан кечиришда кўп вақт ўтади. Бунда, аввало, жасаднинг ўзига хос белгилари ўзгаради, қолаверса, унинг ёнидан шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлса, жиноятни қизиғида очишда вақт бой берилади.

Агар кўздан кечириш жуда чўзилиб кетилганлиги муносабати билан танаффус эълон қилинган бўлса, бу ҳақда баённомада қайд этилади ва жойни кўриқлаш ҳаракатлари ташкил қилинади. Шунингдек, об-ҳаво шароити оғирлашганлиги ёки бошқа сабабларга кўра кўздан кечиришни давом эттириш мумкин бўлмаса, бу сабаблар ҳам баённомада қайд этилиши ва аниқ кўрсатилиши керак.

Кўздан кечириш қаердан бошланмасин ва қандай усулда ўтказилмасин ҳамма вақт жиноятни очиш, далилларни топишнинг гаровидир.

Кўздан кечиришнинг ўз вақтида ўтказилиши унинг тўлиқ ўтказилишида муҳим шарт ҳисобланади, шунинг учун ҳам ҳодиса содир бўлган жойга ўз вақтида бормаслик, у ернинг ҳолати ўзгаришига, иш учун аҳамиятли бўлган изларнинг бузилишига, баъзида батамом йўқолишига олиб келади. Бу:

биринчидан, ашёвий далиллар ҳодиса содир бўлган жойдан олиб кетилиши, ўринлари алмаштирилиб, ўрнига жиноятчи ёки унинг иштирокчиси томонидан айбсиз шахсларга тегишли жисмлар ташлаб кетилиши мумкин;

иккинчидан, ҳодиса содир бўлган жой ҳолати жиноятни яширишдан манфаатдор шахслар томонидан ўзгартирилиши мумкин. Ёки ҳодиса содир бўлган жойни, масалан, транспорт ҳаракатини, ишлаётган корхоналарни кўп вақтда тўхтатиб туриш мумкин бўлмай қолади;

учинчидан, жиноят билан боғлиқ бўлган излар атроф-муҳит, яъни шамол, ёмғир, қор, ўтаётган транспорт таъсирида йўқолиши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида терговчи бир неча гумонларни бир вақтнинг ўзида текшириши керак. Ҳодиса содир бўлган жойда топилган ҳамма излар атрофлича ўрганилиши зарур. Бунда баъзи изларни яроқсиз ёки яроқли деб топиб, хулоса чиқариш мумкин эмас. Лекин бундан терговчи ҳодиса содир бўлган

жойдаги ҳамма жисмларни ўрганиб, қайд қилиши керак деган хулоса ҳам келиб чиқмайди. Терговчи аҳамиятли ва ишга алоқаси бўлган жисмларни танлаб ола билиши керак.

Терговчи гувоҳларнинг кўрсатмаси билан ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатини ўзгартириши ва аввалги ҳолатини тиклаши мумкин эмас. Акс ҳолда кўздан кечириш ҳолисона ўтказилмаган бўлади.

Агар ҳодиса содир бўлган жойнинг аввалги ҳолатини тиклаш зарурати туғилса, бу мустақил тергов ҳаракати орқали амалга оширилади. Бу ҳаракат кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва эксперимент тергов ҳаракатларидир. Шунинг учун ҳам ҳодиса бўлган жой ҳолатини текшириш ва қайд қилиш жинойтнинг характериға қараб режали, тўлиқ ва атрофлича амалга оширилиши керак. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ундаги белгиларни мумкин қадар кўпроқ қайд қилиш лозим. Бундай белгилар жинойтни очишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида аниқланган буюмлар ва бошқа нарсалар ҳам атрофлича кўздан кечирилиши керак. Бунда буюмнинг номи, нимадан тайёрланганлиги, эски ёки янгилиги, ўзига хос белгилари, ташқи таъсир остида ўзгарган ҳолатлари синчковлик билан кўздан кечирилиши ва у баённомада акс эттирилиши шарт. Агар терговчи бирор буюмни кўздан кечиришда унинг нималигини ёки қисмлари номини билмаса, тегишли соҳа мутахассисларини таклиф этиши ва буюмнинг ўзига хос барча ҳолатларини баённомада қайд этиши керак.

Ҳайвонлар кўздан кечириладиган бўлса, уларнинг жинси, ранги, ёши, зоти кимга тегишлилиги ва бошқа белгилари ҳам баённомада тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан топилган нарсалар, аниқланган ҳолатлар ўртасидаги масофа аниқ ўлчаниб, баённомада қайд этилиши зарур.

Жасад топилган жойдаги тергов ҳаракатининг энг муҳим жиҳатларидан бири суд-тиббиёт эксперти, агар уни чақириш имконияти бўлмаса, врач иштирокида кўздан кечирилишининг амалга оширишдир. Бунда жасаднинг қаерда ва қандай ҳолатда ётганлигидан бошлаб, унинг атрофида турган нарсалар қай ҳолатда жойлашганлигига алоҳида эътибор бериш керак.

Тергов ва тезкор-қидирув ишлари олиб борилиши давомида аниқланган ҳолатлар юзасидан ҳодиса жойларида қўшимча ёки қайта кўздан кечириш ўтказилиши даркор.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган ҳолатлар ва топилган нарсалар жинойт-процессуал қонун талабларига риоя

қилинган ҳолда расмийлаштирилгандагина далилий кучга эга бўлади. Аксинча, улар қонун талаблари асосида расмийлаштирилмаса, жиноят излари ва бирор шахсни шу жиноятни содир қилганлигини тасдиқловчи ишончли аниқ далиллар ҳам йўққа чиқарилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижалари унинг баённомасида акс эттирилиши керак. Баённомада ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда аниқланган барча ҳолатлар, топилган ва олинган буюмлар тўлиқ ва аниқ кўрсатилиши лозим. Чунки баённомада кўрсатилган нарсалардан бирортасининг жиноятга алоқаси бўлмаса уни баённомадан чиқариб ташлаш осон, назардан четда қолганлигининг ўрнини тўлдириш эса қийиндир. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланган ҳолатлар ва нарсалар баённомада ҳолисона равишда тасвирланиши талаб этилади. Бунда терговчи ўзининг ва бошқа қатнашчиларининг шахсий фикрларини баён этмаслиги керак. Терговнинг натижалари ҳақида махсус текширишлардан сўнггина маълум ҳолатлар ва олинадиган нарсаларнинг ўзига хос томонлари ва белгилари аниқланади. Масалан, ҳодиса жойида аниқланган қизил доғлар ва суюқликлар ҳамма вақт ҳам қон ёки қорамтир ёғли суюқлик – мазут бўлавермайди. Шунингдек, ҳодиса жойида бўлган пичоқ ёки жиноят содир этиш мумкин бўлган бошқа ашё жиноят қуроли бўлиб чиқавермайди.

Шу сабабли бирор нарсани бу жиноят қуроли, қон, нефть ва бошқа тарзда нима эканлигини аниқ баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас. Баённомада фақат уларнинг ҳажми, ранги, ҳиди ва бошқа ўзига хос хусусиятларигина қайд этилиши керак. Баённома соф ўзбек адабий тилида тузилиши, унда маҳаллий шевалар ва лаҳжалар қўлланилмаслиги шарт. Баённома уч қисмдан иборат бўлади:

Кириш қисми, унда қуйидагилар қайд этилади:

- ҳужжатнинг номи, яъни нима ёки қайси жой кўздан кечирилаганлиги;
- тузилиш вақти ва жойи;
- бошланиш ва тугалланиш вақти;
- уни ўтказган ходимнинг исми исми-шарифи, лавозими ва унвони;
- нимага асосан ва қачон ҳодиса содир бўлган жойга келинганлиги;
- қатнашувчиларнинг исми-шарифи, лавозими ва унвони;
- холисларнинг исми-шарифи, яшаш жойи;
- экспертлар, мутахассислар ва холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг қайси моддаларига асосан ва риоя қилинган ҳолда кўздан кечириш ўтказилаётганлиги;
- табиий шароит (ёруғлик, об-ҳаво ва ҳоказолар).

Баённоманинг иккинчи қисми **баёнот** қисми ҳисобланади ва унда ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланган барча ҳолатлар эркин тарзда, шарҳларсиз ва аниқ баҳоланмасдан ифодаланиши керак. Унинг қандай бўлиши содир этилган жиноий ҳолат ва кўздан кечириладиган жойнинг аҳволига боғлиқ. Шундай бўлса-да, қуйидаги умумий ҳолатлар ҳам ўз аксини топиши керак:

- ҳодиса содир бўлган жойга берилган умумий таъриф, яъни унинг ҳудуди, чегараси, келиш-кетиш йўллари;
- жойнинг ҳолати ва барча объектлари;
- аниқланган ҳолат ва у ерда бўлган нарсаларнинг атрофлича таърифланиши;
- жиноят содир этилиши учун шарт-шароитларнинг қулай бўлганлиги ёки уни қийинлаштирувчи ҳолатлар. Масалан, муҳим объект қўриқланишининг ташкил этилмаганлиги, қимматбаҳо нарсаларни сақлаш қодаларига риоя қилинмаганлиги (сейф ва темир эшикларнинг йўқлиги) ва шунга ўхшаш ҳолатлар.

Хулоса қисмида эса қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- қандай криминалистик, илмий-техник воситалар ва махсус мосламалардан фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар. Масалан, видеокамера ва фотоаппаратдан фойдаланилганда уларнинг тури, маркаси, модели, объектив маркаси, қандай кассеталар қўлланилганлиги;
- ҳодиса содир бўлган жойдан ашёвий далил сифатида олинган нарсалар ва уларнинг ўрами;
- хизмат итларидан фойдаланилганлиги тўғрисида маълумот;
- иштирокчига баённоманинг қандай тарзда таништирилганлиги, уларнинг эътироз ва қўшимчалари ва имзолари;
- баённомага илова қилинадиган ҳужжат ва нарсалар. Масалан, унга ҳодиса содир бўлган жой режаси илова қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш баённомаси сиёҳ билан ёки ёзув машинкаси ёхуд компьютер ёрдамида тоза ва тушунарли қилиб ёзилиши керак. Кўздан кечириш давомида аниқланган ва топилган нарсалар қандай тартибда топилган бўлса, шундай изчилликда қайд этилиши зарур. Жисмлар ўртасидаги масофа ва уларнинг ҳажми метр ва сантиметрда кўрсатилиши керак. Бунда «олдидан», «чап томондан», «яқинидан», каби сўзларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳодиса содир бўлган жойнинг режаси ва схемасига терговчи ва холислар имзо чекишлари шарт.

Кўздан кечириладиган жойнинг режаси метр, сантиметр, миллиметрларга бўлинган масштаб шкаласи орқали тузилади. Ходиса содир бўлган жойдан топилган баъзи деталларнинг ҳажмини масштаб шкаласида аниқлаб бўлмаса, бундай деталлар схематик равишда режага киритилади. Бунда режа билан схема уйғунлашади.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида жиноят иши кўзғатилгунича қадар ёки бўлмаса жиноят иши кўзғатилгандан сўнг жиноят ишига жалб этиш мумкин. Маълумки, ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда, ана шу асосларга таянган ҳолда шахсни ушлаб туриш мумкин. Ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси бўлиб, уни жиноят ишини кўзғатмасдан олдин ҳам қўллаш мумкин. Бунда шахс ушлаб турилгандан сўнг 24 соат ичида унинг ушлаб туриш асослари текширилиши, тегишли ҳужжатларни талаб қилиб, кўздан кечириш каби процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши лозим ва агар шахснинг асоссиз ушлаб турилганлиги аниқланса, милиция бўлими бошлиғи ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ушлаб турилган шахсни озод қилиш тўғрисида қарор чиқарилиши лозим.

Шу ўринда ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган ушлаб туриш асосларига тўхталиб ўтиш жоиздир. Чунки айнан ушбу моддада таъкидланган ушлаб туриш асослари шахсни гумон қилинувчи сифатида жиноят ишига жалб илиш учун асос бўлади.

ЖПКнинг 221-моддасида таъкидланган ушлаб туриш учун асослар қуйидагилардан иборат:

– шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушса;

– жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

– унинг ўзида ёки кийимида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

– шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёки шахси аниқланмаган бўлса.

ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган «Шахсни жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушиши» деганда, ушбу шахсни бевосита жиноий ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида ушлаб олинганлиги ёки жиноят содир этганидан сўнг қўлга тушганлиги тушунилади.

Жиноятнинг яққол излари деганда, жиноят қуроллари, ўғирланган мулк, қон излари ва шу кабилар тушунилади. Агар жиноятнинг

яққол излари жиноят содир этган шахснинг ўзидан ёки кийимидан, ёнидан ёки уйдан аниқланадиган бўлса, бу шахснинг гумон қилинувчи тариқасида иш бўйича жалб этиш учун асос бўлади. Ушлаб туриш асослари шахсни гумон қилинувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этиш учун асос бўлади ва ушлаб туриш асослари ушбу шахсга нисбатан тегишли айблов ва оқлов далиллари йиғилишини тақозо этади. Ушлаб туриш жиноят иши кўзғатилгунига қадар қўлланилганида, шахс ички ишлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга келтирилганидан сўнг, ушбу орган бошлиғининг кўрсатмасига биноан дарҳол ушлаб туриш баённомаси тузиши лозим.

Ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослардан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдириши ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатмалар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатмалардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт.

Ушлаб туриш баённомасини ушлаб туришнинг асослилигини текшириш топширилган милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими, ушлаб келтирган ваколатли шахс ёки фуқаро, ушланган шахс ва холислар имзо чекиб имзолайдилар. Ушбу баённома шахсни ушлаб туриш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ушлаб туриш баённомасини эса ички ишлар органи бошлиғининг кўрсатмасига биноан шу орган навбатчиси ҳам тузиши мумкин. Бундан ташқари юқорида тўхталиб ўтганимиздек 24 соат ичида ушланган шахсни ушлаб туриш асослари текширилиши лозим, агар шахс асоссиз ушлаб турилган бўлса, у озод этилиши ва бу тўғрида қарор чиқарилиши лозим. Ушбу қарор нусхаси албатта прокурорга юборилади, озод этилаётган шахс эса ушбу қарор билан танишиб, имзо чекиши лозим.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., 2000.

Агар иш қўзғатилгунига қадар Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасида назарда тутилган текшириш ушлаб туришнинг асосли эканлигини тасдиқлаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор шахсни ушлаб туриш, жиноят ишини қўзғатиш ва шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўхтамларига келиб, уларни битта қарорда баён қилиши лозим.

Ушланган шахс ушбу қарор билан танишиб чиққанлиги тўғрисида унга имзо чекиши лозим. Айни вақтда, ушбу шахсга Жиноят процессуал кодексининг 48-моддасида назарда тутилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари тушунтирилиши лозим. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари таништирилганлиги тўғрисида тегишли қарорга имзо чекиши керак.

Жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида экспертиза хулосаларидан самарали фойдаланилмоқда. Кейинги пайтларда жиноят ишлари терговида суд экспертизалари хулосаларининг салмоғи ошиб боряпти. Шунинг учун ҳам тергов идоралари томонидан экспертиза тайинлаш муаммоларига эътиборни кучайтириш зарурати туғилмоқда. Мавжуд муаммолар қаторида экспертиза тайинлаш ва ўтказишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини тан олиш зарур. Экспертиза тайинлашда процесс иштирокчилари ўзларининг процессуал мавқеидан келиб чиққан ҳолда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли ҳуқуқларга эга бўладилар ва уларни рўёбга чиқишидан манфаатдорлар. Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш билан ҳуқуқ ва манфаатлар уйғунлигини таъминлашдаги муаммоларни ҳал этиш йўллари топиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 68-моддасига асосан, экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

экспертиза предметиға оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;

экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ҳамда шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга экспертиза предметиға оид саволлар бериш;

суд муҳокамасида экспертиза предметиға оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш;

ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;

унинг хулосаси ёки кўрсатмалари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатмалар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

агар ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоятлар қилиш ҳуқуқига эга.

Экспертиза тайинланишида экспертнинг ишга доир масалалар билан танишиши қуйидагилар билан чегараланади:

– текшириш объекти, унинг топилишига, олинишига ва сақланишига оид маълумотлар;

– маълум бир жараён шароитлари ҳақидаги маълумотлар;

– маълум бир изларнинг келиб чиқиши ва содир этилишига оид маълумотлар билан чекланади¹. Чунки бу чекловдан ташқари маълумотлар билан танишиш эксперт хулосасининг холислигини шубҳа остига қўяди ва кейинчалик унинг иш бўйича далил манбаи сифатида тан олинишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Эксперт қўшимча маълумотлар беришни сўраб, экспертиза ўтказиш ҳақида қарор чиқарилган вақтда ва экспертиза жараёнида илтимос қилишга ҳақлидир. Унинг илтимосномаси оғзаки (баённомага киритилади) ёки ёзма бўлиши мумкин ва бу ҳужжатларда унга қандай қўшимча маълумотлар ва нима учун кераклигини кўрсатиши керак бўлади. Илтимосномага рад жавоби олинган тақдирда эксперт тадқиқот ишини давом эттиради ва хулоса беришнинг иложи бўлмаса, бу ҳақда тегишли мансабдор шахсларга хабар бериши керак. Агар илтимосномада кўрсатилган ҳолатларни амалга ошириш учун тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим бўлса, эксперт уларда қатнашиш учун чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда эксперт ўз билимларидан фойдаланиб, терговчининг руҳсатига биноан ишга тааллуқли далилларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. VI боб. – Т., 2000. – Б.113.

излаш ва ишга алоқадор бўлган тергов версияларини текширишда ҳамда терговчига экспертиза тўғрисидаги қарорни тузишда бериладиган саволларни тўғри ифодалашда бевосита ёрдам бериш ҳуқуқига эга бўлиб, олинган натижалар ҳақида терговчига хабар бериши керак.

Эксперт тергов ва суд ҳаракатларида ишни юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, процессда иштирок этаётган айрим шахсларнинг ташаббуслари бўйича ушбу ҳаракатлар экспертизанинг предмети билан боғлиқ бўлган ҳолларда иштирок этиши мумкин. Эксперт ўзи қатнашган процессуал ҳаракатлар натижасини хулосада (кўрсатмасида) қайд этади ва улардан фойдаланиши мумкин.

Эксперт ўз ташаббусига кўра мустақил равишда қўшимча маълумотлар – тиббий муассаса ҳужжатларини, бухгалтерия ҳужжатларини олиши, тафтиш иштирокчилари ва қариндошларини, бошқа шахсларни сўров қилишга ҳақли эмас.

ЖПКнинг 75-моддаси талабларига кўра, эксперт кетган сарф-харажатларни ундириш ҳуқуқига эга, экспертиза хизмат топшириғи тариқасида ўтказилиши ҳолатлари бундан мустасно. Бошқа барча ҳолларда жинойт процессуал қонунчилик талабларига кўра шахс эксперт тариқасида ишда иштирок этишга чақирилиши муносабати билан қилган сарф-харажатлари учун иш жойида ўртача ойлик маоши сақланиб қолади. Шахснинг жинойт иши бўйича иш юритувдаги иштироки суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланади. Ишламайдиган шахсларга эса улар кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари, эксперт экспертиза ўтказиш учун кетган барча сарф-харажатларини ҳам ундириш ҳуқуқига эга. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда сарф-харажатлар ва иш ҳақлари қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

Эксперт процесснинг бошқа иштирокчилари билан бир қаторда процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг асослари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) ўтказилган процессуал ҳаракат ёки чиқарилган қарор экспертнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаган ёки қонун талабларига биноан ўтказилмаган тақдирда;

2) экспертнинг шаъни ва қадр-қимматини поймол этувчи ҳаракатлар қилинган ёки унга жисмоний ва маънавий азият етказилган бўлса ёки шундай қарор чиқарилса;

3) экспертнинг шахсий ҳаёти, унинг турар жойи дахлсизлигига, шахсий дахлсизлигига, ўзаро ёзишмалар, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларига нисбатан асоссиз ва ноқонуний аралашувлар оқибатида унга маънавий зарар етказилган бўлса, бу шахснинг ҳуқуқларини кўпол равишда бузиш деб тан олинади ва шикоят қилиш ҳуқуқини юзага келтиради. Экспертнинг шикояти ўринсиз қолдирилиши ва асоссиз рад жавоби берилишига йўл қўйилмайди.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлардан ташқари, эксперт зиммасига бир қатор мажбуриятлар ҳам юклатилган. Жиноят процессуал қонунчиликка асосан эксперт қуйидагиларни бажариши шарт:

- ЖПКнинг 76 ва 78-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиши;

- ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши;

- суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши;

- ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатмалар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;

- экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

- тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши;

- иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Эксперт узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин. У шундай сабабга кўра ўз вазифаларини бажаришни рад этган ёки ундан бўйин товлаган тақдирда, шунингдек била туриб ёлғон хулоса берганлик учун қонунда белгиланган тарзда (Жиноят кодексининг 238, 240-моддалари билан) жавобгарликка тортилиши мумкин. Ушбу мажбуриятлар жиноят ишлари бўйича ягона тартиботни сақлаш ва процесс иштирокчилари бир-бирининг ҳуқуқларини поймол қилмасликлари мақсадида қайд этилган. Юқорида биз экспертиза тергов ҳаракатининг асосий субъекти бўлган экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларни таъминлаш муаммоларининг айрим жиҳатларини қамраб олишга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, бундан кейин дастлабки терговнинг терговга қадар текширув босқичида қонунийликни таъминлашнинг аҳамияти билан

бирга, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан сўзсиз равишда мазкур босқични ҳуқуқий тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларга риоя қилиб ҳамда бу жараёнда ЖПКнинг 2, 15-моддаларида мустаҳкамланган процессуал вазифаларни амалга оширган ҳолда жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини имкони борича муҳофаза қилиш масалаларини ҳам ҳал этиладиган биринчи вазифалар қаторига киритиш лозим.

5. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳуқуқий давлатда ҳар қандай масала қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади. Қонун жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солиб туради. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахсинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, ҳуқуқий давлатнинг негизи, унинг пойдевори – қонун, қонунийликдир. Ҳуқуқий давлатнинг энг олий сўзи ҳам, қалби, тан-жони ҳам қонундир. Ислон Каримов таъбирлари билан айтганда, ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам, қалқони ҳам қонундир. Чунки, қонун, яна бир бор қонун – каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор¹.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби, терговга қадар текширув босқичида ҳам қонунийлик ва адолатни таъминлаш, уларни кафолатлашнинг оптимал омилларидан бири бўлиб, назоратнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг самарали механизмлари бўлиб ҳисобланади.

Қонунларнинг ижро этилиши устидан тегишли давлат органлари назоратни амалга оширадilar. Ушбу назоратни эса ўз-ўзидан иккига, яъни идоравий ва процессуал назорат турларига бўлиш мумкин. Идоравий назорат бевосита жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга идора ва мансабдор шахсларнинг раҳбарлари томонидан ЖПКда кўрсатилган ва белгилаб қўйилган тартиб асосида бутун фаолият жараёнида амалга оширилади. Процессуал назорат эса жиноят ишини қўзғатиш давридан бошланиб, тегишли ҳудудий прокуратура идоралари томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳар иккала назоратнинг мақсади ҳам умумий асосларда жиноят ишини қўзғатиш жараёнида қонунийлик ва адолат мезонларини таъминлашга, шунингдек инсон ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашга қаратилгандир².

¹ Қаранг: Қонун ва адолат устиворлигининг ҳаётбахш манбаи / Президент Ислон Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 1998. – 6 декабр.

² Қаранг: *Миренский Б.А.* Место органов прокуратуры в системе государственной власти // *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлат ва жамият ислохотларининг ҳуқуқий асоси.* – Т., 2002. – С. 107–115; *Бакаева Ф.О.* О задачах прокуратуры и омбудсмана в сфере обеспечения защиты прав человека в Узбекистане // *Омбудсман в Узбекистане.* – Т., 2001. – С. 83–91.

Терговчининг процессуал қарорлари қонунийлиги ва асослилиги устидан прокурорнинг назорати аксарият ҳолларда терговнинг жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни қўзғатишни рад қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва эҳтиёт чорасини танлаш, шунингдек, дастлабки терговни, айблов хулосасини ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорни тузган ҳолда тугатиш босқичларида ўз аксини топади. Терговчининг процессуал қарорлари қонунийлиги ва асослилиги устидан прокурор назорати хусусиятларини таснифловчи масалалар доирасини белгилашда қонунбузарликларнинг ўхшашлиги ва жиддийлиги ҳисобга олинади.

Жиноятлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жиноят процессининг терговга қадар текширув босқичи деб аталувчи мустақил босқични ташкил этади. У ҳар бир тайёрланаётган, содир этилаётган ва содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарга нисбатан зудлик билан чора кўрилишини таъминлашга, унинг очилиши ва тергов қилиниши учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир.

ЖПКнинг 331-моддаси «жиноят ишини қўзғатиш тартиби»ни белгилаб, терговчи ёки суриштирув органи томонидан жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида чиқарилган қарор нусхаси зудлик билан прокурорга юборилишини назарда тутди.

Мавжуд амалиёт таҳлили, бир қанча тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқадиган хулосалар, шунингдек, прокурор ва терговчилар фикрини ҳисобга олиш терговга қадар текширув босқичида энг кўп учрайдиган қонунбузарликларни ажратиш имконини беради. Шу ўринда айнан терговга қадар текширув босқичида қонунбузарликларни бартараф этиш ҳамда ушбу босқичда қонунийликни таъминлаш нуқтаи назаридан Ислом Каримовнинг қонун ҳуқуқий давлатнинг пойдевори, қонунийлик унинг асосий тамойили, шарти эканлиги ҳақида билдирган шундай фикрлари эътиборга моликдир, жумладан: «Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятидан холос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинадик, унинг барча қатнашчилари

эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгар бўлади»¹.

Прокурор назоратининг терговга қадар текширув босқичидаги ҳолатини таснифлаб, шуни айтиш мумкинки, прокурорлар фаолиятида кўпинча қуйидаги камчиликлар учрайди. Биринчидан, терговчининг жинойт ишини қўзғатиш ёки жинойт ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ноқонуний қарорига нисбатан прокурор кечикиб чора кўради. Бунинг салбий оқибатлари одатда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилиши ҳисобланади. Бундан ташқари, прокурорнинг ўз вақтида чора кўрмаслиги жинойтни очишни анча қийинлаштиради. Бунда айбдор шахслар аксарият ҳолларда жиноий жавобгарликдан қутулиб кетадилар.

Жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги масала содир этилган ёки тайёрланаётган жинойтлар тўғрисидаги аризаларни, шунингдек далиллар манбаи сифатида бошқа ҳужжатлар деб кўриб чиқиладиган текширув материалларини (ЖПК 81-м. 2-қ.) ўрганиш асосида ҳал қилинади. ЖПКнинг 322-моддасига мувофиқ, жинойт белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар етарли бўлган ҳоллардагина иш қўзғатилиши мумкин. Жинойтлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни текшириш ҳамда жинойт ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш бўйича фаолият процессуал тусга эга бўлиб, у тегишли процессуал қарор қабул қилиш билан тугалланади. Шу боисдан ЖПКнинг 95-моддасида кўрсатилган етарли маълумотлар ҳақиқий маълумотлар, иш бўйича далиллар ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, терговга қадар текширув босқичидаги текшириш фаолияти далилий хусусиятга эга, далилий ахборот мавжудлиги эса жинойт ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани қонуний ва асосли ҳал қилиш учун зарур шарт ҳисобланади.

Жиноят ишларини қўзғатиш, шунингдек, уларни қўзғатишни рад қилишнинг қонунийлиги ва асослилиги терговга қадар текширув босқичида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тўғри ташкил этилганлигига жиддий тарзда боғлиқдир¹. Жинойт ишларини қўзғатиш босқичидаги прокурор назорати жинойт процессида шахс, уй-жой дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси ва шу каби конституциявий

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996. – Б.321.

¹ *Пулатов Б.Х.* Прокурор назорати: Дарслик. – Т., 2009. – Б.375–377; *Давлетов А.Д.* Прокурорский надзор: Учебник. – Нукус, 1999. – С. 133.

тамойилларга риоя этишни таъминлайдиган қонунийликнинг жиддий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор прокурорнинг диққат марказида бўлиши керак. Прокурор терговчи томонидан қонуннинг бундай процессуал ҳужжатга нисбатан бўлган талабларига риоя этилганлигини текшириши лозим.

Прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириб, терговчидан қуйидагиларни талаб қилиши лозим: тегишли қарорнинг таърифловчи қисмида кимдан, қачон ва қайси орган томонидан жиноят тўғрисидаги ариза ёки хабар қабул қилинганлигини; қарорда терговчининг жиноят ишини қўзғатиш мумкин эмаслиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги қарорга олиб келган сабабларни ва ҳоказо.

Агар прокурор жиноят ишини рад қилиш ноқонуний ва асоссиз деган хулосага келса, у бу қарорни бекор қилиб, жиноят ишини ёки ўзи қўзғатади, ёки терговчига тегишли кўрсатма беради. Агар жиноят иши қўзғатилгани хато бўлса, прокурор терговчининг тегишли қарорини бекор қилади. Агар қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳеч бўлмаसा битта тергов ҳаракати ўтказилган бўлса, прокурор жиноят ишини тугатади (ЖПК 373-м.). Прокурор ўзининг асосли қарори билан терговчи қарорининг таърифловчи қисмини ўзгартиришга, қарорда хато таъкидларни истисно этишга ва уларни аниқланган ҳақиқий маълумотлар ҳамда қонун нормаларига мувофиқлаштиришга ҳақлидир.

Бу ҳам жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорга, ҳам ишни қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорга тенг даражада тегишлидир. Лекин бундай ҳолатда янги қарор чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Ва ниҳоят, прокурор нафақат қонунбузарликларни бартараф этишга, балки бунинг учун жавобгар шахсларни аниқлаш ва зарур ҳолларда уларни жавобгарликка тортиш масаласини қўйишга мажбурдир. Прокурорнинг қонуний талаблари бажарилмаган тақдирда қонунбузарларни жавобгарликка тортиш масаласи кўрилади.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, терговга қадар текширув босқичида қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ечимини ҳал этиш мақсадида, тегишли дастлабки тергов идоралари раҳбарлари (тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиқлари) ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишда қонунийликни таъминлаш йўлидан бориб, жиноят ишини қўзғатиш даврида терговчилар томонидан процессуал қонунлар бузилишининг олдини олишлари, мунтазам равишда қонунийликни мустаҳкамлаб боришлари давр талабидир.

ХУЛОСА

Терговга қадар текширув босқичида ишни қўзғатишдан олдин тергов ҳаракатларини ўтказишнинг асослари, процессуал тартиби ва муаммоларини ҳамда қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ ҳолатларда амалиётда учрайдиган айрим назарий ва амалий масалалар юзасидан, уларнинг бугунги кунда ечимини топиш сари қаратилган бир қатор процессуал таклиф ва тавсиялари ўрганилди ҳамда улар илмий жиҳатдан ишлаб чиқилди.

Терговга қадар текширувнинг мақсади – жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар жиноят-процессуал нормаларга риоя қилиб, жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида келган ариза ёки хабарда жиноят аломатларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш ва шу орқали шахснинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан ва ЖПКнинг 2, 15-моддаларида мустаҳкамланган процессуал вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Жиноят ишини қўзғатишдан олдин тергов ҳаракатларини ўтказиш ўз ичига тергов олди текширувларни ўтказишдек жуда мураккаб ва масъулиятли вазифаларни қамраб олади, бу эса алоҳида жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ тергов ва нотергов процессуал фаолиятлари ўзаро бир-бири билан тутшиб кетган, шунинг учун юритувдаги жиноят ишларининг тақдири ўз моҳиятига кўра бошқа процессуал ҳаракатларга нисбатан мазкур терговга қадар текширув босқичига кўпроқ боғлиқ ҳамда терговга қадар текширув босқичи дастлабки терговда амалга ошириладиган бошқа процессуал ҳаракатлардан юқоридаги хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади.

Терговга қадар текширув босқичида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари жараёнида қонунийликни таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича бир қатор омиллар ажратилди:

1) жиноят ишини қўзғатишдан олдин тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида қонунийлик принципининг бузилиши, бевосита инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатига жиддий зиён етказиши мумкинлиги;

2) мазкур босқичда йўл қўйилган ноқонуний ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар бутун дастлабки тергов босқичининг қонунийлиги ва тўлиқлигига салбий таъсир этиши мумкинлиги

3) терговга қадар текширув босқичида қонунийликнинг бузилиши мамлакат қонунлари ва қонунчилик асосларида ўрнатилган ҳуқуқий тартиблар механизмининг бузилишига олиб келиши, шунингдек уларнинг салбий оқибатларни келтириб чиқариши аниқланди, бу эса давлат ва жамиятда қарор топаётган ҳуқуқий демократик давлатчилик асосларига путур етказиши туфайли уларнинг олдини олиш ва зудлик билан бартараф этиш борасида ҳали ўрганилиши ва янада кенгрок доирада илмий нуқтаи назардан ишлаб чиқирилиши лозимлиги ёхуд ушбу жараёнларнинг илмий ишловга нисбатан зарурий эҳтиёж сезиши даражасининг юқорилиги аниқланди.

Юқоридаги таклиф ва тавсиялардан кўзланган асосий ҳамда умумий мақсад ва вазифалар терговга қадар текширув босқичида қонунийлик, шунингдек унинг зарурий элементи бўлмиш асосланганлик шартларини доимо таъминлашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002.

Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Т. 16. – Т., 2008.

Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т., 2011.

Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т., 2012.

Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2010.

Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т., 2014.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисми)га ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №16. – 159-м.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2016.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2016.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2016.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1997. – № 2. – 48-м.; – 2001. – № 1–2. – 23-м.; – 2003. – № 5. – 67-м.; – 2004. – №1–2. –18-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2005. – № 9. – 312-м.; – 2008. – №12. – 641-м.; – 2009. – №9. – 337-м.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-378-сон қонуни // Халқ сўзи. – 2014. – 4 дек.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №9–10. –168-м.; – 2003. – №5. – 67-м.; – 2005. – №1. – 18-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – №6. – 249-м.; – 2008. – №9. – 487-м.; – №12. – 636-м.; –2011. – № 4. – 101-м.; – 2012. – №9/2. – 244-м.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №38. – 433-м.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1–2-сонли қарори билан тасдиқланган «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» // Lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 26 декабрдаги «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 120-сонли буйруғи.

Акрамходжаев Б. Т. Правовосстановительная функция в уголовном процессе. – Т., 1997.

Абдуганиев У. Жамият, оила ва ёшларнинг ҳуқуқий тафаккурини шакллантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва бурчларига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-жилд. – Самарқанд, 1997.

Астанова Л.И. Жиноят ишлари юретишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар: Ўқув қўлланма. – Т., 1997.

Бакаева Ф.О. О задачах прокуратуры и омбудсмана в сфере обеспечения защиты прав человека в Узбекистане // Омбудсман в Узбекистане. – Т., 2001.

Гольст Г.Р. Расследование по делам о спекуляции. – М., 1948.

Давлетов А. Д. Прокурорский надзор: Учебник. – Нукус, 1999.

Карнеева Л.М. Привлечение к уголовной ответственности. Законность и обоснованность. – М., 2002.

Мирзажанов К. Амнистия и помилование как принцип гуманизма в уголовной политике. – Т., 1994.

Рахунов Р.Д. Возбуждение уголовного дела в уголовном процессе. – М., 1994.

Ражабова М. А. Шариатда жиноят ва жазо: Монография. – Т., 1996.

Стремовский В.А. Участники предварительного следствия. – Ростов-на-Дону, 1996.

Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1998.

Таджиханов У., Саидов А.Х. Ҳуқуқий маданият назарияси. 3 том – Т., 1998.

Таджиханов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. – Т., 1996.

Таджиханов У. Ҳуқуқий мафкура ва қонунга итоаткорлик. – Т., 1995.

Темур тузуклари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси; Б. Аҳмедов таҳрири остида. – Т., 1991.

Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001.

Якубов А. С., Кабулов Р. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Чизмалар альбоми. – Т., 2002.

Бабаяров А. Яраштириш – жиноий жазоларни либераллаштиришнинг муҳим омили // *Qonun himoyasida*. – 2002. – № 4 (76).

Махмудов А.А. Қонунийлик – демократик давлатчилик пойдевори // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 1999. – № 2.

Мухамедов Ў.Х. Қонун устунлигини таъминлаш – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2001. – № 3.

Сатторов А. Ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш муаммолари // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2000. – № 2 (10).

Саидов Б.А. Адолатли суд процесси ҳақида // *Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари.* – Т., 2000.

Ҳакимов Р. Сарсонгарчиликка чек қўйилди // *Qonun himoyasida.* – 2003. – № 12.

Қодиров Р. Қонунийлик ва адолат давр талаби // *Qonun himoyasida.* – 2004. – 2 (98).

**Оғзаки аризани қабул қилиш
БАЁННОМАСИ**

20__ йил «__» _____ шаҳри

(аризани қабул қилган шахснинг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва шарифи)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 324-моддаси талабига риоя қилган ҳолда,
фуқаро:

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми _____
2. Туғилган йили, ойи ва куни _____
3. Иш жойи, лавозими _____
4. Яшаш жойи _____
5. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат _____

(номи, серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

оғзаки аризасини қабул қилдим.

Аризани қабул қилиш соат _____ да бошланди.

_____ (Ф.И.Ш.)
била туриб ёлғон хабар берган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси

ЖКнинг 237-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги
ҳақида огоҳлантирилди.

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Фуқаро _____ (Ф.И.Ш.) куйидагиларни маълум қилди: _____ (аризанинг мазмуни)

Аризани қабул қилиш соат _____ да тамомланди.

Баённомани ўқиб чиқдим. Аризани қабул қилиш баённомаси менинг сўзларим
билан тўғри ёзилган, унга қўшимча ва эътирозларим йўқ.

Ариза берувчи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Аризани қабул қилдим ва баённомани туздим:

(лавозими, унвони)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

**Айбини бўйнига олиш ҳақидаги арзни қабул қилиш
БАЁННОМАСИ**

20 ____ йил « ____ » _____ шаҳри

(аризани қабул қилган шахснинг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва шарифи)

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 113-моддаси талабига риоя қилган ҳолда,
ўз айбини бўйнига олиб келган _____нинг оғзаки аризасини _____

(Ф.И.Ш.)

(қаерда)

қабул қилдим.

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми _____
2. Туғилган йили, ойи ва куни _____
3. Иш жойи, лавозими _____
4. Яшаш жойи _____
5. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат _____

(номи, серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

_____ қуйидагиларни маълум қилди:

(Ф.И.Ш.)

(аризанинг мазмуни)

Аризани қабул қилиш соат _____ да бошланиб, соат _____ да тамомланди.

Баённома ўқиб эшиттирилди, менинг сўзларим билан тўғри ёзилган, баённома мазмунига қўшимча ва эътирозларим йўқ.

Ариза берувчи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Аризани қабул қилдим ва баённомани туздим:

_____ (лавозими, унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (ариза берилаётган ИИО раҳбари,

_____ унвони ва Ф.И.Ш.)

_____ (ариза берувчининг анкета маълумотлари)

А Р И З А

Мен, _____, ушбу аризани ёзишдан олдин
(ариза берувчининг Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-моддасига кўра ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилдим.

_____ (имзо)

_____ (ариза берувчининг Ф.И.Ш.)

_____ (аризанинг қисқача мазмуни)

Аризани ўз қўлим билан тўғри ёздим.

Ариза берувчи _____
(имзо) _____ (ариза берувчининг Ф.И.Ш.)

20__ йил «__» _____

Аризани қабул қилдим:

_____ (аризани қабул қилган шахснинг

_____ лавозими, унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (тушунтириш хати берилаётган ИИО раҳбари,

_____ унвони ва Ф.И.Ш.)

_____ (тушунтириш хатини берувчининг анкета

_____ маълумотлари)

Мен, _____, ушбу тушунтириш хатини
(тушунтириш хати берувчининг Ф.И.Ш.)

ёзишдан олдин Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддасига кўра жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширганлик учун жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилдим¹.

_____ (имзо)

_____ (тушунтириш хати берувчининг Ф.И.Ш.)

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мен, _____, ушбу орқали қуйидагиларни
(тушунтириш хати берувчининг Ф.И.Ш.)

маълум қиламан _____
(тушунтириш хатининг мазмуни)

Тушунтириш хати ўз қўлим билан тўғри ёздим.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

20__ йил «__» _____

Тушунтириш хатини қабул қилдим:

_____ (тушунтириш хатини қабул қилган

_____ ходимнинг лавозими, унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

¹ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси билан огоҳлантириш фақат оғир ёки ўта оғир жиноятлар бўйичагина амалга оширилади.

**Жиноят ишини қўзғатиш ҳақида
Қ А Р О Р**

20__ йил «__» _____ шаҳри

_____ (қарор чиқарувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва шарифи)

_____ (қандай ҳодиса, ҳолат ёки хабар)

бўйича тўпланган материаллар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

_____ (аниқланган ҳодиса ёки ҳолатнинг қисқача мазмуни, аниқланган ҳолат ёки ҳодисани

_____ тасдиқловчи маълумотлар, олинган нарса ва ҳужжатлар)

Бу ҳодисада жиноят белгилари мавжудлигини ва бундай ҳолатда дастлабки тергов ўтказиш мажбурийлигини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 37, 321, 322-модда ____ банди, 330-модда 1-банди, 331, 345-модда ____ бандларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. _____ (қандай ҳолат ёки ҳодиса бўйича)

бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг _____ билан жиноят иши
(қайси модда, қисми, банди)
қўзғатилсин.

2. Дастлабки терговни олиб боришга киришилсин.

3. Қарор нусхаси маълумот учун _____ прокурорига юборилсин.
(худуд, туман ёки вилоят)

_____ (лавозими)

_____ (унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

**Жиноят ишини иш юритувига қабул қилиш ҳақида
Қ А Р О Р**

20__ йил «__» _____ шаҳри

(қарор чиқарувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва шарифи)

(қандай ҳодиса, ҳолат ёки хабар)

бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

(жиноят иши қачон, ким томонидан қўзғатилган)

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг __-моддаси __-қисми __ банди билан _____-сонли жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш менга юклатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 350-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Мазкур _____-сонли жиноят ишини иш юритувига қабул қилиб, дастлабки тергов ҳаракатларига киришилсин.

2. Бу ҳақда манфаатдор тарафларга маълум қилинсин.

3. Қарор нусхаси маълумот учун _____прокурорига юборилсин.
(худуд, туман ёки вилоят)

(лавозими)

(унвони)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида

Қ А Р О Р

20__ йил «__» _____ шаҳри

_____ (қарор чиқарувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва шарифи)

_____ (қандай ҳодиса, ҳолат ёки хабар)

бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

_____ (аниқланган ҳодиса ёки ҳолатнинг қисқача мазмуни, аниқланган ҳолат ёки ҳодисани

_____ тасдиқловчи маълумотлар, олинган нарса ва ҳужжатлар, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш асослари)

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддасининг «__» бандида назарда тутилган ҳолатларнинг аниқланганлигини назарда тутиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 330-моддаси 2-банди ва 333-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. _____ (қандай ҳолат ёки ҳодиса бўйича, қандай асосларга кўра)

учун жиноят ишини қўзғатиш рад қилинсин.

2. _____ олинган ва _____ (қаердан, кимдан) _____ (қаерда сақланаётган қандай турдаги нарса ёки ҳужжатларга

_____ нисбатан кўриладиган чоралар)

3. Жиноят ишини қўзғатиш рад қилинганлиги ва рад қилиш асослари тўғрисида _____ маълум қилиниб, унга Ўзбекистон

_____ (кимга ёки кимларга)

Республикаси ЖПКнинг 333-моддасига асосан, ушбу қарор устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

4. Мазкур қарорнинг нусхаси маълумот учун _____ (худуд, туман ёки вилоят)

прокурорига юборилсин.

_____ (лавозими)

_____ (унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

Ушбу қарор менга 20__ йил «__» _____ да эълон қилинди. Қарор устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлигим тушунтирилди.

_____ (имзо)

**Жиноят ишини кўзғатиш рад қилинганлиги, рад қилиш асослари, шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тўғрисидаги
Х А Б А Р Н О М А**

_____ текшириш тамомланди.
(қандай ҳодиса ёки ҳолат, хабар бўйича)

Мазкур _____ бўйича 20__ йил «__» _____ да
(ҳолат ёки ҳодиса, хабар)

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖПК __-моддасининг ____-бандида
(рад қилиш асоси)

назарда тутилган ҳолатлар аниқланганлиги учун жиноят ишини кўзғатиш рад қилинди.

(агар иш ҳужжатлари бошқа чоралар кўриш учун юборилган бўлса кўрсатилади)

Сизга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 333-моддасига асосан, норози бўлсангиз, жиноят ишини кўзғатиш рад қилинганлиги тўғрисидаги қарор устидан, ушбу хабарномани олган вақтдан бошлаб, прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлигингизни маълум қиламан.

(лавозими)

(унвони)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

**Ариза (хабар)ни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида¹
Қ А Р О Р**

20 ____ йил « ____ » _____ шаҳри

(қарор чиқарувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва шарифи)

(кандай ҳодиса, ҳолат ёки хабар)

бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

(аниқланган ҳодиса ёки ҳолатнинг қисқача мазмуни, аниқланган ҳолат ёки ҳодисани

тасдиқловчи маълумотлар, олинган нарса ва ҳужжатлар)

Ушбу ҳолат юзасидан келиб тушган ариза (хабар)да туман ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақидаги хабар берилганлиги, жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини жиноят содир этилган ҳудудда ўтказиш заруриятини инобатга олган ҳолда ариза (хабар) ва у асосида тўпланган ҳужжатларни терговга тегишлилигига қараб юбориш лозим. Юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36 (37), 321, 322, 330, 335, 346-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Келиб тушган ариза (хабар) бўйича жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини ўтказиш мақсадида тўпланган ҳужжатлар _____ га ҳудудий терговга тегишлилигига қараб юборилсин.
(жиноят содир этилган ҳудуд)

2. Қарорнинг нусхаси маълумот учун _____ прокурорига юборилсин.
(худуд, туман ёки вилоят)

(лавозими)

(унвони)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

¹ Ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик бўйича юбориш юзасидан чиқариладиган қарорнинг намунаси.

**Ариза (хабар)ни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида¹
Қ А Р О Р**

20__ йил «__» _____ шаҳри

(қарор чиқарувчининг лавозими, унвони, фамилияси, исми ва шарифи)

(қандай ҳодиса, ҳолат ёки хабар)

бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

(аниқланган ҳодиса ёки ҳолатнинг қисқача мазмуни, аниқланган ҳолат ёки ҳодисани

тасдиқловчи маълумотлар, олинган нарса ва ҳужжатлар)

Ушбу ҳолат юзасидан келиб тушган ариза (хабар)да ёки прокуратура (миллий хавфсизлик хизмати) терговга тегишли бўлган жиноят ҳақидаги хабар берилганлиги, жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатлари тегишли орган томонидан ўтказиш заруриятини инобатга олган ҳолда ариза (хабар) ва у асосида тўпланган ҳужжатларни терговга тегишлилигига қараб юбориш лозим.

Юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36 (37), 321, 322, 330, 345-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Келиб тушган ариза (хабар) бўйича жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текшириш ҳаракатларини ўтказиш мақсадида тўпланган ҳужжатлар _____ га терговга тегишлилигига қараб юборилсин.
(ариза (хабар) юборилаётган орган)

2. Қарорнинг нусхаси маълумот учун _____ прокурорига юборилсин.
(худуд, туман ёки вилоят)

(лавозими)

(унвони)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

¹ Бошқа орган терговга тегишлилиги бўйича юбориш юзасидан чиқариладиган қарорнинг намунаси.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Терговга қадар текширув тушунчаси, моҳияти ва унинг аҳамияти.....	4
2. Жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни қабул қилиш ва расмийлаштириш, тергов-тезкор гуруҳининг ходиса содир бўлган жойдаги вазифалари.....	14
3. Терговга қадар текширув жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатларинининг турлари ва ўтказишнинг процессуал асослари	25
4. Терговга қадар текширув жараёнида тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартиби	41
5. Терговга қадар текширув ўтказишда қонунийликни таъминлаш	55
Хулоса	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:	61
Иловалар	64

Даврон Мирагзамович МИРАЗОВ,
юримдик фанлар номзоди, доцент

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ АСОСЛАРИ, ТАРТИБИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир **Б. А. Яров**
Техник мухаррир **Д. Р. Джалилов**

Босишга рухсат этилди 07. 09. 2016. Нашриёт-ҳисоб табағи 5,0.
Адади 50 нусха. Буюртма № ____ . Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.